

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, БУЮМЛАРИ ВА  
КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ”  
ЙЎНАЛИШИ**

**“БЕТОН ВА ТЕМИР-БЕТОН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”  
модули бўйича  
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент - 2017**

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** ТАҚИ, т.ф.н., доцент, Х.Х. Камиров

**Тақризчи:** Dr. Christian Kaps. Professor, Fakultat Bauingenieurwese, Professur Bauchemie, Bauhaus Universität Weimar, Deutschland.

**Ўқув -услугий мажмуа ТАҚИ Кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 1 - сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>3</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. ....</b>	<b>8</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>11</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>74</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>81</b>
<b>VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....</b>	<b>93</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>94</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>103</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Ишчи дастур олий ва ўрта махсус таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Ишчи дастур мазмунида хориж таълим тажрибаси, ривожланган давлатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Ушбу ишчи дастур бетон ва темирбетондан фойдаланиш қурилиш технологиялари соҳасида кўпгина ютуқларга эришиш ва шу билан бирга чидамли, пишиқ-пухта, улкан, нодир бино ва иншоотларни барпо этиш имконини бермоқда. Шундай экан уларни асримиз материали десак янглишмаймиз. Бу турдаги темирбетондан қурилишда кенг кўламда фойдаланиш уларни ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқ. Олдиндан зўриқтирилган темирбетон конструкцияларни уларни лойиҳаланган ҳолида қўлбола усулда механик асбоб ускуналар (тортиш домкратлари, вибраторлар ва бошқ.) ёрдамида тайёрлаш - технологик ускуналар лойиҳасини тайёрлашни қийинлаштиради ва бу механизмлардан фойдаланиш самараси жуда паст бўлади. Шунинг учун завод шароитида тайёрлаш учун фақатгина кенг фойдаланиладиган олдиндан зўриқтирилган темирбетон конструкцияларнинг хилларини танлаб олиш зарур бўлади. Бу эса келгусида конструкция турлари ва уларнинг хилларини ошиб боришига ёрдам беради.

Ишчи дастурнинг мазмуни тингловчиларни **“Бетон ва темир-бетон технологиялари”** модулидаги назарий методологик муаммолар, чет эл тажрибаси ва унинг мазмуни, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, илғор ғоялар ва махсус фанлар доирасидаги билимлар ҳамда долзарб масалаларни ечишнинг замонавий усуллари билан таништиришдан иборат.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Бетон ва темир-бетон технологиялари” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш соҳасидаги инновацияларга доир билимларини такомиллаштириш, инновацион технологияларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш ва яратиш бўйича кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

**“Бетон ва темир-бетон технологиялари” модулининг вазифалари:**

- бетон ва темир-бетон технологиялари соҳасидаги меъёрий хужжатлар, ишлаб чиқариш тизимидаги мавжуд муаммолар ва энергия ва материал иқтисод қилиш билан боғлиқ самарадор технологиялардаги инновацияларни ўрганишга йўналтириш;

- тингловчиларда бетон ва темир-бетон махсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги илғор технологияларига доир олган янги билимларини ўз фанларини ўқитишда ўринли ишлата олиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Бетон ва темир-бетон технологиялари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- бетон ва темир-бетон технологиялари соҳасидаги сўнгги ютуқлар, меъёрлар тизими;
- қурилиш меъёр ва қоидаларига киритилган ўзгартиришлар;
- бетон ва темир-бетон технологиялари соҳасидаги фанларни ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар;
- махсулот ишлаб чиқаришдаги инновациялар;
- бетон ва темир-бетон технологиялари соҳасидаги долзарб масалалар;
- махсулот ишлаб чиқаришда энергия ва ресурс тежамкорлигини ошириш усуллари ҳақида **билиши** керак.

#### **Тингловчи:**

- Ўзбекистон Республикасининг архитектура ва қурилиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидаги ўзгаришларни амалиётга татбиқ эта олиш;
- бетон ва темир-бетон махсулотлари ишлаб чиқаришни самарали ташкил қилиш;
- бетон ва темир-бетон махсулотлари ишлаб чиқаришда замонавий энергия ва ресурс тежамкор технологияларни қўллай олиш;
- махсулот тури ва фойдаланиладиган соҳасига қараб зарур бетон таркибларини лойиҳалай олиш;
- бетон ва темир-бетон махсулотлари ишлаб чиқаришда кимёвий қўшимчалардан унумли фойдалана олиш;
- илмий адабиётларда келтирилган замонавий маълумотларни излаб топа олиш ва уларни таҳлил эта олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- бетон ва темир-бетон технологиялари соҳасидаги халқаро эришилган ютуқлардан фойдаланиш ва илғор технологияларни жорий эта олиш;
- ишлаб чиқариладиган махсулот сифатини замонавий асбоб ва усуллар ёрдамида аниқлай олиш;
- махсулот сифатини таъминлаш учун самарали технологик жараёнларни танлаш ва ташкил эта олиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- ўз фанларини ўқитишда бетон ва темир-бетон технологиялари соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидаги, бетон ва темир-бетон ишлаб чиқариш соҳасидаги инновациялардан ҳамда илғор хорижий тажрибалардан янгиликлардан ўринли фойдалана олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Бетон ва темир-бетон технологиялари” модулини ўқитиш жараёнида қуйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маърузаларни ташкил этиш;

- амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказишни назарда тутилади.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Бетон ва темир-бетон технологиялари” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Қурилиш материаллари умрбоқийлиги”, “Замонавий қурилиш материаллари ва технологиялари” ва бошқа блок фанлари билан узвий боғланган.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Фан олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг бетон ва темир-бетон технологияларида замонавий энергия ва ресурс тежамкор технологиялар ва соҳадаги инновациялар бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ўз фанларини ўқитишда бетон ва темир-бетон технологиялари соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидаги, бетон ва темир-бетон ишлаб чиқариш соҳасидаги инновациялардан ҳамда илғор хорижий тажрибалардан янгиликлардан ўринли фойдалана олиш креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			Жами	Жумладан			
				Назарий	Амалий	Қўчма машғулот	
1.	Бетон ва темир-бетон. умумий маълумотлар	2	2	2			
2.	Бетон қоришмаси	4	4	2	2		
3.	Бетонлар ва қоришмалар учун кимёвий қўшимчалар	4	4	2	2		
4.	Монолит қурилиш	8	6	2	4		2
5.	Бетон ва темирбетон буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар	12	10	2	4	4	2
	<b>Жами</b>	<b>30</b>	<b>26</b>	<b>10</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	<b>4</b>

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу: Бетон ва темир-бетон. Умумий маълумотлар.** Кириш. Бетонлар классификацияси. Бетон тайёрлаш учун материаллар. Бетон ва темирбетон конструкцияларининг асосий турлари ва уларга қўйиладиган талаблар.

**2-мавзу: Бетон қоришмаси.** Цемент қотиши жараёни. Цемент гидратацияси ва цемент хаами хоссаларини аниқлаш. Бетон қоришмаларининг хоссалари ва уларни аниқлаш усуллари. Бетон хоссаларига таъсир этувчи омиллар. Қурилиш индустриясида энергия тежамкорлик.

**3-мавзу: Бетонлар ва қоришмалар учун кимёвий қўшимчалар.** Бетон ва темирбетон конструкцияларни тайёрлашда фойдаланиладиган қўшимчалар классификацияси. Гранулометрияни оптималлаштиришда кукун тўлдиргичлардан фойдаланиш. Махсус юқори мустаҳкамликка эга бетон (УНРС-100-150 МПа).

**4-мавзу: Монолит қурилиш.** Умумий маълумотлар. Қуйма бетон. Хоссалари. Фойдаланиш сохалари.

**5-мавзу: Бетон ва темирбетон буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар.** Узун стендларда темир-бетон конструкцияларини узлуксиз қолиплаб тайёрлаш. Композит арматуралар. Базальт

ва полипрпилен толалари. Бетон хоссаларини бузмасдан аниқлашнинг инновацион усуллари.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-амалий машғулот:** Бетон қоришмаси.

**2-амалий машғулот:** Бетонлар ва қоришмалар учун кимёвий қўшимчалар.

**3-амалий машғулот:** Монолит қурилиш.

**4-амалий машғулот:** Бетон ва темирбетон буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар.

Бетон ва темир-бетондан тарихий ва замонавий қўлланилгани таҳлили. Умумқурилиш ва махсус бетонларнинг таркибини ҳисоблаш. Завод шароитида йиғма темир-бетон ва монолит қурилишда фойдаланиладиган бетон ва темир-бетон таҳлили. Бетон ва темир-бетон технологиясида ресурстежамкорлик йўллари.

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Топширик турлари	Баллар тақсимоти	Максимал балл
1.	Мавзулар бўйича кейслар	1,5 балл	2.5
2.	Мустақил иш топшириқлари	1,0 балл	



## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Амалий машғулот дарсларини ўтказиш даврида маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослашнинг Венн диаграммаси ва Т жадвалидан фойдаланилади.

### Венн диаграммаси.

**Методнинг мақсади:** 2 ва 3 жиҳатларни ҳамда умумий томонларини солиштириш ёки таққослаш ёки қарама-қарши қўйиш учун қўлланилади. Тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Тингловчиларни Венн диаграммасини тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида кичик гуруҳларда диаграмма Венни тузадилар ва кесишмайдиган жойларни (х) тўлдирадилар

Доираларни кесишувчи жойида, икки-уч доиралар учун умумий бўлган, маълумотлар рўйхатини тузади.

### Венн диаграммаси



### Т – жадвал

Бита концепция (маълумот)нинг жиҳати ўзаро солиштириш ёки уларни (ха/йўқ, ҳа/қарши) учун.

**Методнинг мақсади:** Танқидий мушоҳада ривожлантиради

Т – жадвал қоидалари танишилади. Якка тартибда расмийлаштирилади.

Ажратилган вақт оралиғида тартибда (жуфтликда) тўлдиради, унинг чап томонига сабаблари ёзилади, ўнг томонига эса чап томонда ифода қарама – қарши ғоялар, омиллар ва шу кабилар.

Жадваллар жуфтликда (гурухда) таққосланиши тўлдирилиши  
Барча ўқув гурухи ягона Т – тузади.

### Монолит қурилишнинг авзалликлари ва камчиликлари

#### Авзалликлари

- Ишларнинг тез бажарилиши;
- Намунавий қурилиш элементларига боғлиқ бўлмаган ҳолда бинонинг хоҳлаган шаклини танлаш имкониятининг мавжудлиги;
- Чокларнинг йўқлиги бинонинг товуш ва иссиқлик изоляциясини яхшилайти, дарзлар кетишининг олди олинади, бинонинг вазни пасаяди, конструкция мустаҳкамлигининг ортиши унинг умрбоқийлигини ортиради;
- Юқори совуқ таъсирига чидамлилиқ.

#### Камчиликлари

Каркас-панелли қурилишга нисбатан меҳнат ва харажат жихатидан юқори;

- инженерлик тизимлари ва мўрилар аввалдан кўзда тутилган ҳолда барпо этилиши керак, чунки кейинчалик маълум ўзгартиришларни киргизиш қийинчиликлар туғдиради;
- Бетонлаш ишлари +5<sup>0</sup>Сдан юқори ҳароратда бажарилиши лозим, шунинг учун қиш кунлари бетонлаш ишлари бетон қоришмасини иситиш (бажариладиган ишларнинг сифатини пасайтириш ва энергия харажатларини ортишига олиб келади), ёки қиш вақтларида бетонлаш ишларини бажариш имконини берувчи махсус қўшимчалардан фойдаланиш зарур.

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни камраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

**“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<p><b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<p><b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<p><b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<p><b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

**Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:**

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу: Бетон ва темирбетон. Умумий маълумотлар.

##### Режа:

- 1.1.Кириш.
- 1.2.Бетонлар классификацияси.
- 1.3.Бетон тайёрлаш учун материаллар.
- 1.4.Бетон ва темирбетон конструкцияларининг асосий турлари ва уларга қўйиладиган талаблар.

*Таянч иборалар:* бетон, темирбето, минерал боғловчи, махсус бетонлар, конструкция, йирик тўлдирувчи, майда тўлдирувчи, кукунли тўлдирувчи, бетон классификацияси, бетон маркаси, совуқ таъсирига чидамлилиги.

#### 1.1.Кириш.

Техник ва иқтисодий кўрсаткичлари даражаси бўйича бетон ва темирбетон дунёда қурилиш буюмлари ишлаб чиқариш тизимида ханузгача асосий конструкцион материал бўлиб қолмоқда. Ноёб хоссаларга эгаллиги сабабли уларлардан фойдаланиш соҳалари кенгайиб бормоқда ва шу билан бирга кўпгина ҳолларда конструкциялар тайёрлашда қиммат бўлган металлнинг ҳам ўрнини эгалламоқда.

Бетон ва темирбетондан фойдаланиш қурилиш технологиялари соҳасида кўпгина ютуқларга эришиш ва шу билан бирга чидамли, пишиқ-пухта, улкан, нодир бино ва иншоотларни барпо этиш имконини бермоқда. Шундай экан уларни асримиз материали десак янглишмаймиз.

*Бетон* деб боғловчи моддалар, сув, майда ва йирик тўлдирувчиларнинг маълум пропорционал миқдорларда олинган қоришмани яхшилаб аралаштириш, зичлаштириш ва қотишиш натижасида олинган сунъий тош материалга айтилади.<sup>1</sup>

Бу инградиентлар аралаштирилганида улар пластик масса ҳосил қилиб, зарур қолипларга жойланади ва қотиб қаттиқ ҳолатга ўтади. Қоришмадаги сув ва цемент орасидаги кимёвий реакция ва қулай ҳарорат таъсирида натижасида нисбатан секин қотади. Қотишиш даврини ўрта ҳисобда фазаларга ажратиши мумкин.

Дастлабки деб белгиланган биринчи босқич тугаши учун 30 минутдан 60 минутгача вақт талаб этади.

---

<sup>1</sup> Neville. Adam M. Concrete technology / A.M. Neville. J.J. Brook\*. 2nd ed. p. cm. Second edition 2010.

*Бу фаза вақтида, бетон қоришмасининг пластиклиги камайади. Сўнги тугаши деб аталувчи иккинчи босқич аралаштириши операциясидан кейин 5 дан 6 соатгача давом этиши мумкин.*

*Бу давр давомида бетон юзасининг қаттиқлиги нисбатан юмшоқ бўлади.*

*Учинчи босқич мустаҳкаликнинг ортишидан ташиқил топади. Бу жараён дастлабки босқичда тез рўй беради. Бетон қорилганидан кейин тахминан бир ойгача давр мобайнида ўзининг потенциал мустаҳкамлиги ва қаттиқлигининг асосий қисмига эришади.*

*Бетон қоришмасида фойдаланиладиган компонентларнинг сифати ва миқдорига кўра бетон хоссалари кенг кўламда ўзгартирилиши мумкин. Бетон сиқилишига етарли даражада мустаҳкамликка эга бўлишига қарамай чўзилишига, эгилишига, буралишига бўлган мустаҳкамлиги паст.*

*Шундай қилиб, юқорида келтирилган ҳолатларда оддий бетондан фойдаланиши чегараланади. Шунга қарамай цмнтли бетондан оддий конструкцияларни – балкалар, плиталар, таянч дворлари ва боиқ, тайёрлаида фойдаланилганида уларнинг чўзилиши зоналарига пўлат арматуралар жойлаштирилиб кейин бетонланиши мумкин. Пўлат арматура деб аталувчи пўлат стерженлар чўзувчи зўриқишларни қабул қилиши учун фойдаланилади.*

*Бу учулда тайёрланган бетон – темирбетон деб аталади.*

## Бетон ва темир-бетон тарихи


### Жозеф Монье

---



У 1867 йил 16 июлда ўзининг кучайтирилган туваклар учун патентини олган. Ўз тажриба синовларини давом этдириб темир билан кучайтирилган цементли қувурлар ва бассейнлар (1868 й.), уйларнинг фасадлари учун темир-цементли панеллар (1869 й.), темир-цементдан кўприклар (1873 й.) ва темир-бетон балкалар (1878 й.) ихтиролари учун патентлар олган.

<http://1000projects.ru/page.php?see=kogda-poyavilsa-beton>



<http://matse1.matse.illinois.edu/concrete/time.html>

## 1.2. Бетонлар классификацияси

ГОСТ 25192 бўйича қурилишда фойдаланиладиган бетонлар қуйидаги асосий кўрсаткичлари бўйича синфларга ажратилади:

- асосий фойдаланиш соҳасига кўра;
- коррозия турларига чидамлигига кўра;
- тўлдирувчиларининг турига кўра;
- структурасига кўра;
- қотиш шароитига кўра;
- мустаҳкамлигига кўра;
- мустаҳкамлигини ортиши тезлигига кўра;
- ўртача зичлигига кўра;
- совуқ таъсирига чидамлигига кўра;
- сув ўтказмаслигига кўра;
- едирилишига кўра.

### Бетонлар классификацияси

Классификация белгиси	Бетон тури	Таърифи
Асосий фойдаланиш	Конструкция	Бино ва иншоотларнинг механик хоссалари бўйича талаблар қўйиладиган бетонлар.

соҳасига кўра	Махсус	Бино ва иншоотларнинг механик хоссалари бўйича қўйиладиган талаблардан ташқари функционал талаблар (иссиқлик изоляцияси, иссиқлик таъсирига чидамлик, кимёвий чидамлик, коррозия таъсирига чидамлик, декоративлик, радиациядан химояловчи, зўриқувчан, гидротехник ва бошқ.) қўйиладиган бетонлар.
<i>Коррозия турларига чидамлигига кўра</i>	А	Коррозия хавфи бўлмаган жойларда фойдаланиладиган бетонлар (ХО);
	Б	Карбонатизация таъсирида коррозия юзага келиши мумкин бўлган шароитларда фойдаланиладиган бетонлар (ХС);
	В	Хлоридлар таъсирида коррозия юзага келиши мумкин бўлган шароитларда фойдаланиладиган бетонлар (ХД ва ХС);
	Г	Кетма-кет музлаш ва эриш таъсирида коррозия юзага келиши мумкин бўлган шароитларда фойдаланиладиган бетонлар (ХФ);
	Д	Кимёвий коррозия юзага келтирадиган шароитда фойдаланиладиган бетонлар (ХА).
Тўлдиргич турига кўра	Зич тўлдиргичлар асосида	Зич тоғ жинслари ёки зич шлаклар асосидаги бетонлар
	Ўта зич тўлдиргичлар асосида	Руда таркибли тоғ жинслари, чўян қириндиси, металл қипиғи ва бошқ. асосидаги бетонлар.
	Ғовак тўлдиргичлар асосида	Табиий ва сунъий серғовак тўлдиргичлар асосидаги бетонлар
Тўлдиргичнинг йириклиги бўйича	Йирик донали	Йирик тўлдиргичли бетонлар
	Майда заррали	Майда тўлдиргич асосидаги бетонлар
Боғловчисининг турига кўра	Цементли, шу жумладан композицион боғловчилар асосида	Цементлар, шу жумладан портландцемент клинкери ва турли минерал қўшимчалар асосида (портландцемент, шлакли портландцемент, сульфат таъсирига чидамли, оқ ва рангли цементлар, ВНВ, ва бошқ.), гилтупроқли ёки гилтупроқли клинкер таркибли (гилтупроқли, зўриқувчан, киришмайдиган ва бошқ.) асосидаги бетонлар.



Оҳакли боғловчилар асосида	Автоклавда қотадиган оҳакли боғловчи ва кремнезёмтаркибли қўшимчалар асосидаги бетонлар.
Шлакли боғловчилар асосида	Шлак-ишқорли боғловчилар, оҳак ёки цемент, ёки гипс билан фаоллаштирилган шлаклар ёки куллар асосидаги бетонлар.
Гипсли боғловчилар асосида	Қурилиш гипси, ангидрит, гипс-цемент-пуццолан боғловчи асосидаги бетонлар.
Махсус боғловчилар асосида	Анорганик ва органик боғловчилар (олтингугуртли, полимер, фосфат, магнезиал, суяқ шишали боғловчилар) асосидаги бетонлар.

Сиқилишдаги мустаҳкамлиги бўйича цементлар қуйидаги классларга бўлинади: 22,5; 32,5; 42,5; 52,5. <sup>2</sup>

**Қотиш вақти бўйича цементлар қуйидагиларга бўлинади:**

- Секин қотувчи – қотиш вақтининг бошланиши 2 соатдан ортиқ;
- Нормал қотувчи - қотиш вақтининг бошланиши 45 минутдан то 2 соатгача;
- Тез қотувчи - қотиш вақтининг бошланиши 45 минутдан қисқа.

Бетон қоришмасини жойлаш ва зичлаш бўйича: \_\_шиббаланган, вибрацияланган, прессланган, виброштампланган, вибропрокатланган, босим билан вибропрокатланган (кучли вибропрокат), центрифугаланган, торкретланган, вакуумланган, виброфаоллаштирилган ва бошқалар.

**Бетоннинг қотиш вақтида иссиқ-нам ишлови берилиши ва тутиб турилишига кўра:** нормал, буғланган, 100<sup>0</sup>С ҳароратда сувда иситилган, электроэнергия ёрдамида, мой билан иситилган, автоклав ёки буғланган, комбинацияланган, махсус ишлов берилган ва бошқалар.

**Ташқи муҳитнинг агрессив кимёвий таъсирига махсус услуб билан аниқланадиган қаршилик кўрсатиш даражаси бўйича:** сульфат таъсирига чидамли, денгиз сувига чидамли, кислота таъсирига чидамли ва бошқалар.

**Юқори ҳарорат ва олов таъсирига чидамлилиги бўйича (иссиқликка чидамли бетонлар):**

- а) 1770<sup>0</sup>С дан юқори чидамли оловбардош;
- б) 1580<sup>0</sup> дан 1770<sup>0</sup>С гача оловбардош;
- в) 1580<sup>0</sup>С гача оловбардош.

### 1.3.Бетон тайёрлаш учун материаллар.

#### Цемент

<sup>2</sup> Concrete Technology theory and practice. M.S. Shetty. S. Chand & Company Ltd. First Multicolour Illustrative Revised Edition 2005-page



Умумқурилиш ва махсус мақсадларда фойдаланиладиган бетонлар учун цемент танлашни жадвалларда келтирилган маълумотларга таянган ҳолда амалга ошириш зарур<sup>3</sup>

Конструкциядан фойдаланиш шароитига кўра цемент танлаш

№	Цемент	Конструкциядан фойдаланиш шароити							
		Бинонинг ички қисмида		Очиқ шароитда	Сульфатлар миқдори бўйича агрессив муҳит таъсирида			Сув ва совуқнинг ўзгариш таъсирида	Гидротехник иншоотларнинг ерошти ва ички қисмида
		W < 60%	W > 60%		турғун ҳарорат ва намлик шароитида	доний музлаш-эриш ва намланиш-куриш шароитида			
1	ПЦ ДО <sup>1</sup>	Р	Р	Р	Н	Н	Д	Д	
2	ПЦ Д5, Д20 <sup>1</sup>	Р	Р	Р	Н	Н	Н	Д	
3	ШПЦ <sup>1</sup>	Р	Р	Д	Д	Д	Н	Д	
4	БТЦ <sup>1</sup>	Р	Р	Р	Н	Н	Н	Н	
5	БШПЦ <sup>1</sup>	Р	Р	Д	Д	Д	Н	Н	
6	ССПЦ <sup>2</sup>	Д	Д	Д	Р	Р	Р	Н	
7	ССШПЦ <sup>2</sup>	Д	Д	Д	Р	Д	Н	Н	
8	ППЦ <sup>1</sup>	Н	Д	Н	Р	Н	Н	Р	
9	НЦ <sup>3</sup>	Д	Р	Р	Р	Д	Р	Н	

Изоҳ: 1 - ГОСТ 10178; 2 - ГОСТ 22226 ; 3 - ТУ 21-26-13-90 бўйича.

Р - тавсия этилади; Д - техник-иқтисодий асосланганда руҳсат этилади; Н - йўл қўйилмайди.

<sup>3</sup> Concrete Technology theory and practice. M.S. Shetty. S. Chand & Company Ltd. First Multicolour Illustrative Revised Edition 2005

**Бетоннинг классификацияси бўйича цемент маркасини танлаш**

Цемент маркази	Сиқилишдаги мустаҳкамлик бўйича бетоннинг классификацияси					
	B10	B20	B30	B35	B40	B50
Тавсия этиладиган	M300	M300	M400	M500	M600	M600
Рухсат берилладиган	M300	M400	M500	M550, M600	M500, M550	M550

**Бетоннинг қотиш шароити бўйича цемент маркасини танлаш**

Қотиш шароити	1 - жадвал бўйича цемент тури (тартиб рақами)								
	1	2	3	4	5	6	7	8	9
Мўтадил ва мўтадилга яқин	Р	Р	Д	Р	Д	Р	Д	Р	Р
10°C хароратдан паст	Д	Д	Н	Р	Н	Д	Н	Н	Р
Иссиқ-нам ишлов берилганда:	Д	Д	Н	Р	Р	Н	Н	Н	Р
—13 соатгача бўлган режимда	Р	Р	Р	Д	Д	Р	Р	Н	Д
— 13 соатдан ортиқ бўлган режимда									

Изох: Д, Р, Н — 1 - жадвал изоҳига қаранг

**ТЎЛДИРУВЧИЛАР**

Тўлдирувчилар атамаси инерт ва кимёвий фаол бўлмаган ва цемент билан ёпишиши натижасида бетон олиши учун фойдаланиладиган материалларнинг умумий номидир. Фойдаланиладиган кўпчилик тўлдирувчилар шагалтош, чақиқтош, қум булар табиий материаллардир. Сунъий ва ишлов берилган тўлдирувчиларга гишт парчаси ва домна шлакларини бўлиши мумкин. Пемза, кокс, ёғоч қипиғи, кўпчитилган шлак, кўпчитилган сланец, кўпчитилган вермикулит ва бошқ. Паст зичликка эга бетонларни тайёрлашда фойдаланилади.

**Классификацияси**

Тўлдиргичлар икки гуруҳга бўлиниши мумкин: (а) йирик донали тўлдиргичлар ва (б) майда тўлдиргичлар.

**Тўлдиргичларнинг сифати**

Бетон ва темирбетон конструкцияларини тайёрлашда фойдаланиладиган табиий тўлдиргичлар норматив хужжатларнинг талабларига жавоб бериши керак.

Тўлдиргичларнинг баъзи зарур хоссалари қуйидагилар: (1) мустаҳкамлик (2) ўлчами (3) донасининг шакли (4) юзасининг текстураси (5) градуировкаси (6) ўтказмаслиги (7) тозаллиги (8) кимёвий инертлиги (8) юқори ҳароратдаги физик ва кимёвий стабиллиги (10) иссиқликдан кенгайиш коэффициентини, ва (11) нархи. Тўлдиргичлар кимёвий инерт, мустаҳкам, қаттиқ, чекланган зовакликка эга,

ёпишиб қолган гил-тупроқ, кўмин, кўмир қолдиқларисиз бўлиши керак. Бетон мустаҳкамлиги, барқарорлиги пасайтирувчи ва арматуранинг коррозиясига сабаб бўлувчи органик ёки бошқа қўшимчаларсиз бўлиши керак. Зарарли моддалар миқдорининг чегаралари қуйидаги жадвалда келтирилган.

*Зарарли моддалар миқдорининг чегаралари*

Зарарли моддалар	Майда тўлдиргич		Йирик тўлдиргич	
	бутун	майдаланган	бутун	майдаланган
Кўмир ва лигнит	1.00	2.90	1.00	1.00
Лой бўлақлар	1.00	1.00	1.00	1.00
Майда бўлақчалар	-	-	3.00	-
Сланец	1.50	-	-	-
Ҳамма зарарли моддалар миқдори, % **	1.00	2,00	5,00	5.00

*Тўлдиргич массасига нисбатан %\*.*

*Слюдадан ташқари\*\**

Бетоннинг мустаҳкамлиги тўлдиргич мустаҳкамлигига боғлиқ. Гранитли тўлдиргич пемза ёки куйдирилган гилтупроқли тўлдиргичларга нисбатан юқори мустаҳкамлик олиши имконини беради.

Тўлдирувчилар сифати одатда (i) майдалашдаги мустаҳкамлик (ii) майдаланиши ёки (iii) таъсир катталиклари каби иборалар билан белгиланади.

Йирик тўлдиргичнинг ўлчамидан унинг ишлаш характериага қараб фойдаланилади. Йирик тўлдиргич етарли даражада майда бўлиб бутун хажмни тўлдирди олиши керак. Йирик тўлдиргич уч хил шаклда, яъни думалоқ, ноаниқ шаклда ва қиррали бўлиши мумкин. Шунинг учун гадир-будир юзали тўлдиргичдан фойдаланиб тайёрланган бетон силлиқ юзали тўлдиргичдан фойдаланиб тайёрланган бетонга нисбатан мустаҳкам бўлади.

Тўлдиргичлар тоза ва гилтупроқ, чанг ва бошқалардан холи бўлиши керак. Гилтупроқ ва бошқа ёпишувчан қопламалар алоҳида зарралар ва цемент орасидаги адгезияга ёмон таъсир этади.

Олтингурут ва ёнмай қолган кўмир ва бошқалар кимёвий таъсир натижасида шишиши мумкин ва арматурага таъсир этади. Тўлдиргичлар цемент матрицасининг иссиқликдан кенгайиши коэффициентига яқин коэффициентга эга бўлишлари керак.

Хулоса қилиб айтганда тўлдиргичлар инерт минерал моддадан ташкил топган бўлиб, улар тоза, ишқаланишига қаршилиги юқори, ёпишиб қолган хар хил қўшимчалардан холи, зич, етарли даражада мустаҳкам бўлиб, цемент мустаҳкамлигидан тўла фойдалана олиши имконини бериши керак.

Тўлдирувчининг энг йирик ўлчами

Конструкциялар	Тўлдиргичнинг майда –йириклигини белгиловчи шартлар
Вертикал	- арматура стерженлари орасидаги энг кичик оралиқнинг 0,75 ўлчами; - конструкция энг кичик ўлчамининг 0,33 қисмига тенг, лекин 150 ммдан кўп эмас.
Горизонтал	- конструкция қалинлигининг 0,5 қисмига тенг, лекин 150 ммдан кўп эмас
Йўл ва аэродром қопламалари	- 40 мм

Йирик тўлдирувчининг мустаҳкамлик бўйича энг паст маркази

Тоғ жинслари	Бетон класси							
	B12,5	B15	B20	B25	B30	B35	B40	B45
Отилиб чиққан	800	800	800	800	800	1000	1000	1200
Метаморф	600	600	600	600	800	1000	1000	1200
Чўкинди	300	300	400	600	800	1000	1000	1200
Майдаланиш кўрсаткичи	Др16	Др16	Др16	Др12	Др12	Др8	Др8	Др8

Йирик тўлдирувчининг тавсия этиладиган донадорлик таркиби

Йирик тўлдирувчининг энг йирик ўлчами, мм	Йирик тўлдирувчидаги фракциялар миқдори, %				
	5 - 10	10 - 20	20 - 40	40 - 70	70 - 120
20	25 - 40	60 - 75	-	-	-
40	15 - 25	20 - 35	40 - 65	-	-
70	10 - 20	15 - 25	20 - 35	35 - 55	-

**Майда тўлдиргич**

Қурилиш ишлари учун фойдаланиладиган майда тўлдиргич – кум, ГОСТ 10268, 8736 талабларига жавоб бериши керак.

Бетон қоришмасининг технологик ва бетоннинг қурилиш-техник хоссаларига кумнинг гранулометриқ таркиби (йириклик модули), чангсимон ва гилтупроқ зарраларининг миқдори ва сув талабчанлиги энг катта таъсир кўрсатади.<sup>4</sup>

Йириклик модули 1,5—2 бўлган кумлар цемент сарфини 5%гача, йириклик модули 1,5 дан паст бўлганда 12%гача оширади. Қум таркибидаги чангсимон ва гилтупроқ зарралари миқдори 3 %дан кўп бўлса цемент сарфи 5% ва ундан кўп ошиши мумкин.

<sup>4</sup> Concrete Technology theory and practice. M.S. Shetty. S. Chand & Company Ltd. First Multicolour Illustrative Revised Edition 2005

## Қўшимчалар

Бетон қоришмасининг технологик ва бетоннинг қурилиш-техник хоссаларини яхшилаш мақсадида кимёвий қўшимчалардан фойдаланиш ГОСТ 7473 талабларига мувофиқ амалга оширилади.

### Тавсия этиладиган қўшимчалар

ГОСТ 24211 бўйича қўшимчаларнинг синфи	Намуна	Миқдори*	Фойдаланишдаги самара
Суперпластификаторлар	С-3, ДФ, СМФ	0,4 — 0,8	Бетон қоришмасининг сув талабчанлигини 20%дан ортиқ камайтиради
Пластикликни кучли оширувчилар	ЛСТМ-2, ЛТМ, МТС-1	0,15—0,3	Бетон қоришмасининг сув талабчанлигини 20%гача камайтиради
Пластикликни ўртача оширувчилар	ЛСТ, УПБ, пдк	0,1—0,2	Бетон қоришмасининг сув талабчанлигини 10%гача камайтиради
Пластикликни кам оширувчилар	шелок, нчк, ГКЖ-10, ГКЖ-11	0,05—0,1	Бетон қоришмасининг сув талабчанлигини 5%гача камайтиради, 3—5% ҳаво жалб қилишни таъминлайди, совуққа чидамликни 50-100 циклга оширади
Коррозия ингибиторлари	НН, ТБН, БХН, БХК	2	Темирбетонда ги арматуранинг коррозиясини олдини олади

Изоҳ. \* % цемент массасига нисбатан қуруқ модда ҳисобида.

### 1.4. Портландцемент ва уларнинг турлари.

Портландцемент - портландцемент клинкери, гипс тош (5%гача) ва қўшимчаларни майин қилиб туйиб олинadиган гидравлик боғловчидир.

#### Клинкернинг минералогик таркиби

$3\text{CaO}\cdot\text{SiO}_2$  -уч кальцийли силикат - $\text{C}_3\text{S}$ -алит 45-60%

$2\text{CaO}\cdot\text{SiO}_2$  -икки кальцийли силикат- $\text{C}_2\text{S}$ -белит 15-30%

$3\text{CaO}\cdot\text{Al}_2\text{O}_3$  -уч кальцийли алюминат- $\text{C}_3\text{A}$  - 5-15%

$4\text{CaO}\cdot\text{Al}_2\text{O}_3\cdot\text{Fe}_2\text{O}_3$  -тўрт кальцийли алюмоферрит – 19-20%

Цементда боғланмаган СаО миқдори 0,5% дан боғланмаган MgO миқдори 5% дан ошмаслиги керак, акс холда хажми ўзгариши нотекис бўлади.

**Клинкерларнинг классификацияси**

Клинкер	Тахминий миқдор, %			
	C <sub>3</sub> S	C <sub>2</sub> S	C <sub>3</sub> A	C <sub>4</sub> AF
Алитли	60 кўпи билан	15 камида	-	-
Нормал (алит миқдорига кўра)	60...37,5	15...37,5	-	-
Белитли	37,5 камида	37,5 кўпи билан		
Алюминатли	-	-	15 кўпи билан	10 камида
Нормал (алюминатли миқдорига кўра)	-	-	15...7	10...18
Целитли	-	-	7 камида	18 кўпи билан

**ГОСТ 30515 Цементлар. Умумий техник шартлар бўйича цементлар қуйидаги синфларга бўлинади:**

**1. Фойдаланишига кўра:**

- умумқурилиш учун;
- махсус.

**2. Клинкерининг турига кўра цементлар:**

- портландцемент клинкери асосида;
- гилтупроқли (юқори гилтупроқли) клинкер асосида;

сульфоалюминат (-феррит) клинкери асосида

**Минерал қўшимчанинг тури ва миқдори ҳар бир конкрет цемент турига қараб чегараланади (ГОСТ 31108-2003 )**

ГОСТ 30515-97 ва ГОСТ 31108-2003 бўйича ашёвий таркибига турли қўшимчалар ва минерал қўшимчалар билан характерланади. Минерал қўшимчанинг тури ва миқдори ҳар бир конкрет цемент турига қараб чегараланади.

- ЦЕМ I –портландцемент;
- ЦЕМ II – минерал қўшимчали портландцемент;
- Цем III – шлакли портландцемент;
- ЦЕМ IV – пуццолан портландцемент;
- ЦЕМ V – композицион цемент.



№	Цемент номи	Цемент номининг ? ис? ача белгиланиши	Цементнинг ашёвий таркиби, масса бўйича, %							Ўрдамчи компонентлар
			Асосий компонентлар							
			Портландцемент клинкери	Грануланган домна ёки ЭТФ шлаги	Пуццолан	Учувчан кул	Глиеж ёки куйдирилган сланец	Микрокремнезём	О?актош	
Кл.	Ш.	П.	З.	Г	МК	И				
	Портландцемент	ЦЕМ 1	95-100	-	-	-	-	-	-	0-5
	Минерал ?ўшимчали** шлакли портландцемент	ЦЕМ II/A-Ш	30-94	6-20	-	-	-	-	-	0-5
		ЦЕМ II/B-Ш	65-79	21-35	--	-	-	-	-	0-5
	пуццолан	ЦЕМ II/A-П	80-94	-	6-20	-	-	-	-	0-5
	учувчан кул	ЦЕМ II/A-З	80-94	-	-	6-20	-	-	-	0-5
	глиежи ёки куйдирилган сланецли	ЦЕМ II/A-Г	80-94	-	-	-	6-20	-	-	0-5
	микрокремнезёмли	ЦЕМ II/A-МК	90-94	-	-	-	-	6-10	-	0-5
	о?актошли	ЦЕМ II/A-И	80-94	-	-	-	-	-	6-20	0-5
	композицион***	ЦЕМ II/A-К	80-94	6-20						0-5
	Шлакли портландцемент	Цем III/A	35-64	-	-	-	-	-	-	0-5
	Пуццолан цемент***	ЦЕМ IV/A	65-79	21-35						0-5
	Композицион цемент***	ЦЕМ V/A	40-78	11-30	11-30	-	-	-	-	0-5

\*Катталик цементнинг асосий ва ўрдамчи компонентларнинг, гипсдан таш?ари 100% деб ?абул ?илинган.

\*\* ЦЕМ II турдаги цементларнинг номларида (композицион цементдан таш?ари) «минерал ?ўшимчалар билан» деган сўзнинг асосий компонентларнинг – минерал ?ўшимчалар номи кўрсатилади.

\*\*\* Минерал ?ўшимчалар турларини умумлаштирилгани –асосий компонентлар цемент номида кўрсатилиши керак

## Цементга кукун кўшимчалар

• Майин кукунли кўшимчаларни бетон хоссаларини яхшилаш, цементни иқтисод қилиш учун бетон қорғунча ёки қоршма тайёрлаш вақтида қўшилади.

- Цементли
- Пуццолан
- Номинал инерт

Бетон мустаҳкам бўлишига қарамай, мўрт бўлганлиги сабабли, унинг эгилишдаги ва чўзилишдаги мустаҳкамлиги сиқилишдаги мустаҳкамлигининг ўндан бирини ташкил этади. Шунинг учун унинг бу кўрсаткичини яхшилаш мақсадида уни пўлат арматура билан кучлантирилади.<sup>5</sup>

Олдиндан зўриқтирилган темирбетондан юқори мустаҳкамликка эга ва мустаҳкамлиги оширилган арматурадан самарали фойдаланиб, конструкция элементларининг кесимида дарзлар ҳосил бўлишга қаршилигини ошириш, дарзларни белгиланган чегарада очилишини таъминлаш, юкланишнинг кўп марта таъсир этишига дучор бўладиган конструкцияларнинг бикрлигини ошириш ва деформациясини камайтириш, конструкция массасини камайтириш ва юқори маркага эга бетондан фойдаланиш эвазига фойдаланилади.

Йиғма темир-бетон маҳсулотлари ва конструкциялари классификация асосида қуйидаги аломатлари белгиланган: бетон кўриниши, унинг зичлиги, арматуралашни кўриниши, ички тузилиши ва қўлланилиши.

Бетон тури ва қўлланиладиган боғловчилар бўйича маҳсулотлар фарқланади: цементли бетонлар-оғир ва оддий зич тўлдирувчилар асосида, алоҳида оғир

<sup>5</sup> Neville. Adam M. Concrete technology / A.M. Neville. J.J. Brook\*. 2nd ed. p. cm. Second edition 2010.

бетонлар ва ғовак тўлдирувчи енгил бетонлар, ғовак бетонлар ва махсус бетонлар – иссиқ ва кимёвий таъсирга чидамли, манзарали. Маҳсулотда қўлланиладиган бетонлар зичлиги бўйича ўта оғир бетонлар зичлиги  $2500 \text{ кг/м}^3$  дан юқори, оғир бетонлар зичлиги  $1800\text{-}2500 \text{ кг/м}^3$ , енгил бетонлар зичлиги  $500\text{-}1800 \text{ кг/м}^3$  ва ўта енгил бетонлар зичлиги  $500 \text{ кг/м}^3$  дан кам (иссиқлик ўтказмайдиган) бўлади.

Арматуралаш турига қараб темир-бетон маҳсулотлари олдиндан зўриктирилган ва оддий арматурланган турига бўлинади.

Маҳсулот бир турдаги бетондан тайёрланганда тузилишига кўра яхлит ва ичи ковак; бир қатламли, икки қатламли, кўп қатламли, ҳар хил бетон туридан тайёрланган ёки турли материалларни қўллаш, масалан иссиқ ўтказмайдиган бўлиши мумкин. Бир турдаги темир-бетон маҳсулотлари бир биридан ўлчовлари билан, масалан девор блоки, бурчак блоки, дераза ости блоки ва бошқалар билан фарқланади. Бир тур ўлчовдаги маҳсулотлар маркаларга нисбатан бўлиниши мумкин.

Маркаларга бўлиш асосида турли арматуралаш, монтаж тешикларининг мавжудлиги, ёки қўндириладиган деталларининг турлилиги эътиборга олинади.

Йиғма темир-бетон маҳсулотларини қўлланишига кўра: уй-жой ва жамоат бинолари, саноат бинолари, қишлоқ хўжалик, транспорт, гидротехника иншоотлари қурилиши ва умумий фойдаланишдаги маҳсулотлар бўлиши мумкин. Маҳсулотлар максимал даражагача заводда тайёрланган бўлиши керак. Қисмлардан иборат ва комплекс маҳсулотлар истеъмолчига тугатилган, қоида бўйича битказилган, йиғилган ҳолатда, қўшимча ва қайта ишлов талаб қилмайдиган, безалмайдиган ҳолатда етказилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Бетон маркасига кўра цемент маркаси ва тури.
2. Қум ва йирик тўлдиргичнинг донадорлик таркиби ГОСТ талабларига мос келишини. Қумнинг майда-йириклигини ва сув талабчанлигини. Йирик тўлдиргичнинг конструкция кесим юзаси бўйича мос келишини.
3. Цемент-сув нисбатини.
4. Сув-цемент нисбатини.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Neville. Adam M. Concrete technology / A.M. Neville. J.J. Brook\*. 2nd ed. p. cm. Second edition 2010.
2. Concrete Technology theory and practice. M.S. Shetty. S. Chand & Company Ltd. First Multicolour Illustrative Revised Edition 2005.
3. Li, Zongjin, Dr. Advanced concrete technology / Zongjin Li. WILEY. 2011.
4. The Science and Engineering of Materials, Sixth Edition. Authors Donald R. Askeland, Pradeep P. Fulay, Wendelin J. Wright. 2011.



5. Акрамов Ҳ.А., Нуритдинов Ҳ.Н. Бетон ва темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш технологияси. Дарслик (Акрамов Ҳ.А., Нуритдинов Ҳ.Н., Тошкент, ТАҚИ, 2010 йил 592 бет.


## 2-мавзу: Бетон қоришмаси.

### Режа:

- 2.1. Цемент қотиши жараёни.
- 2.2. Цемент гидратацияси ва цемент хаамири хоссаларини аниқлаш.
- 2.3. Бетон қоришмаларининг хоссалари ва уларни аниқлаш усуллари.
- 2.4. Бетон хоссаларига таъсир этувчи омиллар.
- 2.5. Қурилиш индустриясида энергия тежамкорлик.




*Таянч иборалар:* сув-цемент нисбати, гидратация, структура ҳосил бўлиши, цемент хаамири, ҳоваклар, капилляр ҳоваклар, гелли ҳоваклар, қотиши вақти, харакатланувчанлик, қатламланиш, жойланувчанлик.

### 2.1. Цемент қотиши жараёни.




## CHEMICAL REACTIONS

Extremelly important!!!



Цемент сув билан аралаштирилганида юз берадиган реакциялар



3 hours



10 hours

CE 60  
Instructor: Paulo Monteiro

Courtesy: Prof. Karen Scrivener

Цемент қотишида структура хосил бўлишининг бошланиши




C-S-H



CE 60  
Instructor: Paulo Monteiro




Ettringite




Instructor: Paulo Monteiro

Review – Identify the crystal



Review 2 -- Identify the crystal





Water inside the pores




Figure 2-9




Fig. 1.4. Development of Strength of Pure Compounds

Цемент тоши гидратацияси даврида минералларнинг ҳосил бўлиши<sup>6</sup>



Fig. 1.5. Composition of Cement Paste at different stages of hydration.

Сунъий тош ҳосил бўлиш даврида фазаларнинг ўзгариши<sup>7</sup>

<sup>6</sup> Concrete Technology theory and practice. M.S. Shetty. S. Chand & Company Ltd. First Multicolour Illustrative Revised Edition 2005. p.21

<sup>7</sup> Concrete Technology theory and practice. M.S. Shetty. S. Chand & Company Ltd. First Multicolour Illustrative Revised Edition 2005. p.23

**Table. 2.4. Typical Properties of Concrete and Mortar with Pyrament Cement.**

Material	Compressive strength MPa	Flexural Strength MPa
<b>Hardened Concrete</b>		
4 hours	17	3.45
1 day	34	5.52
28 days	69	8.27
<b>Hardened Mortar</b>		
2 hours	17	—
3 hours	24	4.1
1 day	41	6.9
7 days	69	10.3



Vicat Apparatus and Accessories.




Automatic Vicat Apparatus.



Automatic / Manual 5 litre Mortar Mixer.



Heat of hydration Apparatus.



Цемент қотиш жараёнини ўрганиш учун асбоблар.<sup>8</sup>

### Бетон қоришмаларининг хоссалари.

Бетон қоришмасини икки таркибий қисмдан ташкил топган система деб қараш мумкин. Булар – боғловчи ҳамири ва тўлдирувчилардир. Асосий структура ҳосил этувчи бўлиб бетон таркибидаги боғловчи ҳамири ҳисобланади. Унинг таркибига цемент, сув, аксарият ҳолларда майдаланган минерал қўшимчалар ёки кул қиради. Цемент зарралари ва майда туйилган қўшимчалар ўлчамлари кичик ҳамда катта нисбий юзаси билан фарқланадилар, натижада цемент ҳамирида “қаттиқ жисм – суюқлик” ҳолати юзага келади. Бундай системада адсорбцион

<sup>8</sup> Concrete Technology theory and practice. M.S. Shetty. S. Chand & Company Ltd. First Multicolour Illustrative Revised Edition 2005 p.52-54



кучлар, молекуляр ва капилляр ўзаро таъсирлашув кучлироқ намоён бўлади ва улар системанинг боғланиш даражасини оширади.<sup>9</sup>

Бетон қоришмасига хусусиятли бўлган жиҳатлардан бири унинг қулай тўшалувчанлиги, ёки шаклланиувчанлиги, жумладан, берилган шаклни бир текисда ёйилиб қоплаши ва айти вақтда бир турлигини ва монолитлигини сақлашидир. Қулай тўшалувчанлик бетон қоришмасининг шаклни (қолипни) тўлдириш жараёнида ҳаракатчанлиги(оқувчанлиги), пластиклиги, яъни ёрилмасдан деформацияланиши билан аниқланади.

### Бетоннинг ҳаракатланувчанлиги<sup>10</sup>



Бетон қоришмасини осон қолиплаш, компонентлар орасидаги ишқаланиш кучини пасайтириш ва унинг оқувчанлиги ортишига қуйидаги омиллар таъсир этади:

- (a) Қоришмадаги сув миқдори;
- (b) Компонентлар нисбати;
- (c) Тўлдирувчилар ўлчами;
- (d) Тўлдирувчилар шакли;
- (e) Тўлдирувчиларнинг юзаси текстураси;
- (f) Тўлдирувчиларнинг солиштирма сирт юзаси;
- (g) Фойдаланилган қўшимчалар тури ва миқдори

<sup>9</sup> Neville. Adam M. Concrete technology / A.M. Neville. J.J. Brook\*. 2nd ed. p. cm. Second edition 2010.

<sup>10</sup> Concrete Technology theory and practice. M.S. Shetty. S. Chand & Company Ltd. First Multicolour Illustrative Revised Edition 2005 p.219


Бетон қоришмасининг турли шароитларда ўзини тутишини таърифлаш учун унинг реологик харақтеристикаларидан фойдаланадилар: сурилишдаги чегаравий зўриқиш, релаксация даври ва қовушқоқлик. Бундай хусусиятларни аниқлаш учун вискозиметрлардан фойдаланилади.

Бундай тажрибалар асосан илмий-тадқиқот абoраторияларда амалга оширилади. Ишлаб чиқариш шароитларида эса одатда бетон қоришмасини ҳаракатчанлигини (оқувчанлиги) турли мосламалар ёрдамида назорат қиладилар. Бу жиҳозлар тез ва нисбатан оддий ҳолда бетон қоришмасининг зарурий харақтеристикаларини олиш имконини беради.

Бетон қоришмасининг жойлашувчанлигини ўлчаш


Бетоннинг ишлов берувчанлиги мураккаб хоссадир. Шунинг учун аниқ ўлочларни бажариш қийиндир. Кўплаб тадқиқотчилар томонидан бу хоссани ўрганиш учун турли усуллар таклиф этилган ва улар бажарилиши бўйича бир-бирга ўхшашдир. Одатда бетон жойлашувчанлигини ўлчаш учун қуйидаги синовлар бажарилади:

- (А) Конус чўкиши;
- (б) Зичлашувчанлик коэффициентини аниқлаш;
- (С) Оқувчанликни аниқлаш; (d) Келли синови
- (Е) Vee Vee Консистометр синови.



Конус чўкишини аниқлаш ускунаси<sup>11</sup>

<sup>11</sup> Concrete Technology theory and practice. M.S. Shetty. S. Chand & Company Ltd. First Multicolour Illustrative Revised Edition 2005 p.222-234




### Зичлашувчанлик коэффицентини аниқлаш ускунаси



Янги бетон қоришмасининг ишлов берувчанлиги вақолипга жойлашувчанлигини аниқлаш учун ишлаб чиқарилган. Қурилмадан қурилиш майдонида ҳам фойдаланиш мумкин.

### Бетон қоришмасининг оқувчанлигини аниқлаш асбоби





Ушбу асбобдан қоришманинг қатламланувчанлиги ва сув ажралиб чиқиши ўлчашда фойдаланилади

Силкитиш таъсирида бетон қоришмасининг оқувчанлигини аниқлаш асбоби



Лаборатория синовларида вибрация натижасида бетоннинг жойлашувчанлигини аниқлаш учун мўлжалланган асбоб

Бетон ишлаб чиқариш жараёни


Сифатли бетон ишлаб чиқаришда жараённинг ҳар бир босқичида бажариладиган ишларни сифатли қилишни талаб этади.

Маълумки бир хил компонентлардан фойдаланган ҳолда бурли сифатли бетон олиш мумкин. Шунинг учун юқори сифатли бетон олиш учун бажариладиган ишларни қандай ва сифатли бажарилиши лозимлигини билишимиз зарур. Бетон ишлаб чиқариш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- (А) Компонентларни ўлчаш;
- (б) Аралаштириш;
- (с) Ташиш;
- (D) Жойлаш;
- (и) Зичлаш
- (е) Ишлов бериш (пардозлаш).<sup>12</sup>

<sup>12</sup> Neville. Adam M. Concrete technology / A.M. Neville. J.J. Brook\*. 2nd ed. p. cm. Second edition 2010.







Аралаштириш вақтининг бетон мустаҳкамлигига таъсири




Замонавий бетон заводлари





Бетонда қоришмасида сувнинг тарқалиши



Instructor: Paulo Monteiro Courtesy Prof. K. Scrivener



Dimensional range of solid and pores in a hydrated cement paste.



Бетон мустаҳкамлигининг сув-цемент нисбатига боғлиқлиги





Fig. 6.10: Volumetric proportions of concrete with a degree of hydration  $h = 0.7$  for the following mixes (by mass): (a) 1:4 with a water/cement ratio of 0.40, (b) 1:6 with a water/cement ratio of 0.55, and (c) 1:9 with a water/cement ratio of 0.75; entrapped air content of 2.3 per cent; specific gravity of aggregate 2.6





Fig. 6.11: Stress-strain relations for cement paste, aggregate, and concrete



Relation between strength and water/cement ratio of concrete

## Бетон муштақамлигининг сув-цемент нисбатига боғлиқлиги<sup>13</sup>

<sup>13</sup> Neville. Adam M. Concrete technology / A.M. Neville. J.J. Brook\*. 2nd ed. p. cm. Second edition 2010.p. 105,110,111,117,119




Fig. 6.16: Influence of the aggregate/cement ratio on strength of concrete (From: B. G. SINGH, Specific surface of aggregates related to compressive and flexural strength of concrete, *J. Amer. Concr. Inst* 54, pp. 897-907 (April 1958).)

### Назорат саволлари:

1. Бетон қоришмасининг сув талабчанлиги бўйича 1 м<sup>3</sup> бетон учун сув сарфини.
2. Цемент сарфини. Аниқланган цемент миқдорини минимал руҳсат этиладиганибилан солиштириш.
3. Зич бетон қоришмасини олиш учун 1 м<sup>3</sup> бетонга материаллар сарфини ҳисоблаш.
4. Бетон таркибини массаси бўйича нисбий ўлчамларда ҳисоблаш.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Neville. Adam M. Concrete technology / A.M. Neville. J.J. Brook\*. 2nd ed. p. cm. Second edition 2010.
2. Concrete Technology theory and practice. M.S. Shetty. S. Chand & Company Ltd. First Multicolour Illustrative Revised Edition 2005.
3. Li, Zongjin, Dr. Advanced concrete technology / Zongjin Li. WILEY. 2011.
4. The Science and Engineering of Materials, Sixth Edition. Authors Donald R. Askeland, Pradeep P. Fulay, Wendelin J. Wright. 2011.
5. Акрамов Ҳ.А., Нуритдинов Ҳ.Н. Бетон ва темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш технологияси. Дарслик (Акрамов Ҳ.А., Нуритдинов Ҳ.Н., Тошкент, ТАҚИ, 2010 йил 592 бет.

### 3-мавзу: Бетонлар ва қоришмалар учун кимёвий қўшимчалар.

#### Режа:

3.1.Бетон ва темирбетон конструкцияларни тайёрлашда фойдаланиладиган қўшимчалар классификацияси.

3.2.Гранулометрияни оптималлаштиришда кукун тўлдиргичлардан фойдаланиш.

3.3.Махсус юқори мустаҳкамликка эга бетон (УНРС-100-150 МПа).


**Таянч иборалар:** кимёвий қўшимчалар, кукун қўшимчалар, пластификатор, суперпластификатор, комплекс қўшимчалар, конус чўкиши, учувчан кул, микросилика, толалар,фибра, гранулометрия.

#### 3.1. Бетон ва темирбетон конструкцияларни тайёрлашда фойдаланиладиган қўшимчалар классификацияси.

Бетон ёки қурилиш қоришмаларининг зарур техник хоссаларини олиш учун, шунингдек цементни иқтисод қилиш мақсадида турли қўшимчалардан фойдаланилади. Одатда улар икки турга бўлинади:

**Кимёвий қўшимчалар** – бетон қоришмасига жуда оз миқдорда (цемент массасига нисбатан 2% гача) қўшилиб бетон қоришмаси ва бетон хоссасини зарур йўналишда ўзгартириш имконини беради.

**Майин қилиб тўйилган кукун қўшимчалар** - цементни иқтисод қилиш учун фойдаланиб, зич ва мустаҳкам бетон олиш имконини берадилар.<sup>14</sup>



Кимёвий қўшимчаларнинг классификацияси<sup>15</sup>

<sup>14</sup> Concrete Technology theory and practice. M.S. Shetty. S. Chand & Company Ltd. First Multicolour Illustrative Revised Edition 2005

**Кимёвий қўшимчалардан фойдаланиш** – бу бетоннинг техник хоссаларини бошқаришнинг энг қулай ва оддий усуллардан бири бўлиб, ишлаб чиқариш технологиясини ҳам бошқариш имконини беради. Аввал бетон тайёрлашда турли кимёвий махсулотлардан ва саноат чиқиндиларидан фойдаланилган. Ҳозирги вақтда бетон ишлаб чиқариш саноатида фойдаланиладиган махсус тайёрланган қўшимчалардан фойдаланилади.

**Кимёвий қўшимчалар таъсир самрасига кўра қуйидаги синфларга бўлинади:**

- Бетон хоссаларини бошқарувчи қўшимчалар:
  - Сув ушлаб турувчи – бетон қоришмасидан сув ажралиб чиқишини пасайтирувчи қўшимчалар;
  - Пластикловчи – бетон қоришмаси харакатланувчанлигини оширувчи қўшимчалар;
  - Стабилловчи – бетон қоришмасини қатламланувчанлигини олдини олувчи қўшимчалар.
- Бетоннинг қотиши ва бетон қоришмасининг тишлашишини бошқарувчи қўшимчалар:
  - Бетон қоришмасининг тишлашишини тезлатувчи (секинлатувчи) қўшимчалар;
  - Бетон қотишини тезлатувчи қўшимчалар;
  - Бетон қотишини ташқи муҳитнинг паст ҳароратида ҳам қотишини таъминловчи қўшимчалар.
- Бетон қоришмаси ва бетоннинг ғоваклиги ва зичлигини бошқарувчи қўшимчалар:
  - Газ ҳосил қилувчи қўшимчалар;
  - Ҳаво жалб қилувчи қўшимчалар;
  - Зичловчи (бетон ғовакларини колматация қилувчи) қўшимчалар;
  - Кўпик ҳосил қилувчи қўшимчалар.
- Бетон деформациясини бошқарувчи қўшимчалар.
- Бетоннинг химоя хоссаларини оширувчи ва металл коррозиясини секинлаштирувчи қўшимчалар.
  - г) махсулотларга нам-иссиқ ишлови бериш вақтини 40%гача қисқартириш, қолипдан ечиб олишни, монолит конструкцияларга юк қўйиш вақтини тезлаштириш;
  - д) қиш вақтида қолипланган бетонларга иссиқлик ишловини бермасдан қотириш;
  - е) бетоннинг совуқ таъсирига чидамлилигини 2-3 ва ундан кўп марта ошириш имконини;
  - ж) бетоннинг зичлиги ва ўтказмаслигини 1-2 марказга ортириш;
  - з) бетон ва темир-бетоннинг турли агрессив муҳитлар таъсирига чидамлилигини ортириш.

**Қўшимчаларнинг алоҳида классификация гуруҳларининг таърифлари.**

<sup>15</sup> Concrete Technology theory and practice. M.S. Shetty. S. Chand & Company Ltd. First Multicolour Illustrative Revised Edition 2005. p. 199



• **Пласикловчи қўшимчалар**– бетон қоришмаларининг харакатланувчанлиги ёки жойлашувчанлигини оширувчи сирт-фаол хоссаларга эга моддалар. Темир-бетон конструкциялар технологиясида қўшимчаларнинг пластикловчи самараларидан фойдаланиш махсулотларни қолиплашни осонлаштиради ёки харакатланувчанлигини сақлаган холда сув миқдорини камайтириш ва шунинг хисобига бетоннинг ғоваклигини пасайтириш, зичлиги, мустаҳкамлигини ошириш ва бошқа хоссаларини яхшилаш имконини беради.


• **Стабилловчи қўшимчалар** – бетон қоришмасини қатламланишини пасайтиришга ёрдам берувчи моддалар.

• **Кўпик ҳосил қилувчи қўшимчалар** – зарур хажм ортишига ва турғун техник кўпик олишга бетон қоришмаси комонентлари билан аралаштирилганда ячейкали ёки сеғовак структурани ҳосил қилиш имконини берувчи сирт-фаол моддалар.<sup>16</sup>

• **Ғовак ҳосил қилувчи қўшимчалар** – бетон танасида мақсадли ҳаво ёки газсимон ғовакларни ҳосил қилиш имконини берувчи моддалар.

• **Бетон қотишини бошқарувчи** – бетон мустаҳкамлигини ортиши кинетикасини зарур йўналишда ўзгартирувчи (тезлатувчи ёки секинлатувчи) моддалар. Қотишни тезлаштирувчи қўшимчаларни қўшиш қисқа вақтларда зарур мустаҳкамликка эришиш, баъзи холларда юқори сўнги мустаҳкамликка эришиш имконини беради.


• **Бетон мустаҳкамлигини оширувчи қўшимчалар** - бетон зичлигини ортириб, унинг сув ўтказмаслик ва совуқ таъсирига чидамлигини, маълум холларда турли агрессив мухит таъсирида кимёвий чидамлигини ошириш имконини берувчи (сув сарфини камайтирувчи ) қўшимчалар.



Акрил асосдаги янги авлод суперпластификаторининг таъсир механизми<sup>17</sup>

<sup>16</sup> The Science and Engineering of Materials, Sixth Edition. Authors Donald R. Askeland, Pradeep P. Fulay, Wendelin J. Wright. 2011.

<sup>17</sup> Concrete Technology theory and practice. M.S. Shetty. S. Chand & Company Ltd. First Multicolour Illustrative Revised Edition 2005. p.146



Кимёвий кўшимчалардан фойдаланиш ривож

- **Совуқ таъсирига қарши кўшимчалар** – сувнинг муздаш ҳароратини пасайтирувчи ва бетонни салбий ҳароратда қотишини таъминловчи моддалар.
- **Гидрофобловчи кўшимчалар** – ғоваклар ва капиллярлар деворига гидрофоб (сув итариш) хоссаларини берувчи моддалар.

### Сув-цемент нисбати.

Сув-цемент нисбати бетон хоссаларини белгиловчи энг муҳим параметрлардан биридир.


Назарий жихатдан цементнинг тўла гидратацияси учун унинг массасига нисбатан 22-25% сув талаб этилади.<sup>18</sup>

Амалда эса зарур сув миқдори 33%ни ташкил этади.


Ушбу цемент учун сув миқдорини пасайтириш ва цемент зарраларини бирига яқинлаштириш учун ва шу билан бирга қотган цемент тошининг зичлигини ошириш муҳим масаладир. Бу эса мустаҳкамликни ортиши ва ўтказувчанликни пасайтиришга олиб келади.

<sup>18</sup> Concrete Technology theory and practice. M.S. Shetty. S. Chand & Company Ltd. First Multicolour Illustrative Revised Edition 2005





Бетон ва темир бетонлар учун кукунли қўшимчалар





**FIGURE 6.7** Typical age-strength relationships of concrete based on compression tests of 0.15 × 0.30 m (6 × 12 in.) cylinders, using Type I portland cement and moist-curing at 21°C (70°F): (a) air-entrained concrete, (b) non-air-entrained concrete. (Kosmatka and Panarese 1988)

## Цемент тошининг ғоваклари

- Бетон муста\камлиги ва умрбоқийлиги хажмининг ўзгармаслиги цемент пастасининг гидрат фазасига бохлик.
- Қотган цемент пастасида икки хил ғоваклар ҳосил бўлади:
- - гелли ҳоваклар;
- -капилляр ғоваклар.
- Одатда бетон таркибида ҳаво ҳам мавжуд бўлади.

## Цемент тошининг ғоваклари

Гель ғоваклари C-S-H қатламлари орасидаги қалинлиги 0,5 дан то 2,5 нм гача бўлган фазо. Ўз ичига қатламлараро фазо, микроғоваклар ва кичик изоляцияланган капиллярлар ғовагини ўз ичига олади. Мустаҳкамлик ва ўтказувчанликка кам таъсир этади. Киришиш ва силжишга таъсир этиши мумкин.<sup>19</sup>



Capillary Pores

C-S-H  
Framework

<sup>19</sup> Concrete Technology theory and practice. M.S. Shetty. S. Chand & Company Ltd. First Multicolour Illustrative Revised Edition 2005







FIGURE 4.7

Schematic outline of microstructural development in portland cement pastes: (a) initial mix; (b) 7 days; (c) 28 days; and (d) 90 days. (Calcium sulfoaluminates are included as part of C-S-H for simplification, although they crystallize as separate phases.)





**FIGURE 7.10** Typical stress-strain relations for compressive tests on 0.15 m by 0.30 m concrete cylinders with different water-cement values at an age of 28 days.




**Махсус юқори мустаҳкамликка эга бетон (UHPC)**

Жуда юқори зич микроструктура

- Юқори самара
- Сиқилишдаги юқори мустаҳкамлик (150-230 МПа)
- Юқори чустаҳкалик
- Бетоннинг технологияси юқори

## Composition of UHPC



### *Янги тайёрланган UHPC хоссалари*




UHPC мустаҳкамлигига

- хом ашё таркиби
- аралаштириш



Суперпластификатор тури ва миқдори таъсир этади.

UHPC нинг бир ўқи бўйича сиқилишдаги мустаҳкамлиги


## Properties of UHPC in Uniaxial Compression



## УНПСнинг чўзилишдаги хоссалари



## A Comparison of the Material Costs



**Table 7.8. Composition of Experimental Concretes Produced in a Ready-mix Plant<sup>7,9</sup> (In U.S.A.)**

Concrete type	Reference	Silica fume	Fly ash	Sag + silica fume		
W/(c + m)		0.30	0.30	0.30	0.3	0.25
Water kg/m <sup>3</sup>		127	128	129	131	128
Cement						
ASTM Type II	kg/m <sup>3</sup>	450	425	365	228	168
Silica fume	kg/m <sup>3</sup>	-	45	-	45	54
Fly ash	kg/m <sup>3</sup>	-	-	95	-	-
Sag	kg/m <sup>3</sup>	-	-	-	183	320
Dolomite limestone		1100	1110	1115	110	1100
Coarse aggregate	kg/m <sup>3</sup>					
Fine aggregate	kg/m <sup>3</sup>	815	810	810	800	730
Superplasticizer*	L/m <sup>3</sup>	15.3	14	13	12	13
Sump after 45 minutes (mm)		110	180	170	220	210
Strength at 28 day	(MPa)	99	110	90	105	114
Strength at 91 day	(MPa)	109	118	111	121	126
Strength at 1 year	(MPa)	119	127	125	127	137

\* Sodium salt of a naphthalin sulphonate

Ўта юқори мустаҳкамликка эга бетонларнинг таркиблари

*Tab. 1 Examples of mix proportions and results o mechanical strength*

Type of material	unit	Mix 1	Mix 2	Mix 3	Mix 4	Mix 5	Mix 6
CEM II/A-S 42,5 R + slag + microsilika	kg/m <sup>3</sup>	831	870	926	840	880	980
Ground quartz filler	kg/m <sup>3</sup>	0	0	255	110	50	50
Steel microfiber 13/0,2 mm	kg/m <sup>3</sup>	100	120	100	120	120	120
Sand 0/4 – type I	kg/m <sup>3</sup>	1216					
Sand 0/2 – type II	kg/m <sup>3</sup>			871			
Sand 0/2 – type III	kg/m <sup>3</sup>						
Sand 0/2 – type IV	kg/m <sup>3</sup>		1235		1160	1177	1094
Super plasticizer	kg/m <sup>3</sup>	40	40	40	30	30	30
Water	kg/m <sup>3</sup>	165	160	165	160	160	160
<b>Test results after 28 days of curing in water – EN 196-1</b>							
Bulk density	kg/m <sup>3</sup>	2380	2450	2400	2430	2450	2470
Compression strength	MPa	143,5	153	152,5	163,5	173,5	189
Bending strength	MPa	28,9	31	31,9	31,2	31,2	34

### UHPC таркиби (масса бўйича, %) <sup>20</sup>

<sup>20</sup>Yail J. Kim. Recent Advances in Ultra-high Performance Concrete. J Rec Const Resources Vol. 1, No. 3 1(3)163-172(2013).

Table 2. Composition of materials for UHPC (percent by weight)

Reference	Cement	W/C ratio	Fiber	SCM	Quartz powder	Super-plasticizer	Sand	Compressive strength
B&C	28%	0.28	7%(S)	9%(SF)	8%	1%	40%	200 MPa
Bonneau	28%	0.27	6%(S)	9%(SF)	9%	2%	41%	190 MPa
HDR	37%	0.14	6%(S)	9%(SF)	0%	2%	41%	160 MPa
R&C	32%	0.19	6%(S)	7%(SF)	13%	1%	35%	200 MPa
W&L	32%	0.22	0.007%(CNT)	8%(SF)	8%	0.2%	44%	194 MPa
Ahlhorn	26%	0.20	6%(S)	Pre	Pre	1%	Pre	194 MPa

Yail J. Kim. Recent Advances in Ultra-high Performance Concrete. J Rec Const Resources Vol. 1, No. 3 1(3)163-172(2013).

### УНРС таркиби,%

Table 2  
Recipes of developed UHPC.

Materials	UHPC1 (kg/m <sup>3</sup> )	UHPC2 (kg/m <sup>3</sup> )	UHPC3 (kg/m <sup>3</sup> )
CEM II S2.5 R	874.9	612.4	608.9
Limestone	0	262.5	0
Quartz	0	0	175.0
Microsand	218.7	218.7	218.7
Sand 0-2	1054.7	1054.7	1054.7
Micro-silica	43.7	43.7	43.7
Water	202.1	202.1	202.1
Superplasticiser	45.9	45.9	45.9
Water/cement ratio	0.23	0.33	0.29


### Қуйилган қоришма юзаси «Фил териси» ўхшаган янги тайёрланган УНРС хоссаси (тайёрлангандан тахминан 15 минут<sup>21</sup>)



<sup>21</sup> Precast Elements Made of UHPC – From Research to Application – Graz University of Technology Institute for Structural Concrete




### Modular Truss System made of UHPC




### The Gärtnerplatz Bridge

#### Bending Test



### The Gärtnerplatz Bridge

#### Structural Analysis




**The Gärtnerplatz Bridge**  
 Precast UHPC Element for upper chords



**UHPC – Stair without Conventional Reinforcement**



**Comparison**



	<b>Conventional stair</b>	<b>UHPC-stair</b>
Concrete volume	0,850 m <sup>3</sup>	0,205 m <sup>3</sup>
Mass	2.125 kg	515 kg



*Figure 8: Four bending test. Example of deflection observed with sprayed Ductal® mixes at 28d*

### Назорат саволлари:

1. Бетон қоришмасининг сув талабчанлиги бўйича 1 м<sup>3</sup> бетон учун сув сарфини.
2. Цемент сарфини. Аниқланган цемент миқдорини минимал руҳсат этиладиганибилан солиштириш.
3. Зич бетон қоришмасини олиш учун 1 м<sup>3</sup> бетонга материаллар сарфини ҳисоблаш.
4. Бетон таркибини массаси бўйича нисбий ўлчамларда ҳисоблаш.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Neville. Adam M. Concrete technology / A.M. Neville. J.J. Brook\*. 2nd ed. p. cm. Second edition 2010.
2. Concrete Technology theory and practice. M.S. Shetty. S. Chand & Company Ltd. First Multicolour Illustrative Revised Edition 2005.
3. Li, Zongjin, Dr. Advanced concrete technology / Zongjin Li. WILEY. 2011.
4. The Science and Engineering of Materials, Sixth Edition. Authors Donald R. Askeland, Pradeep P. Fulay, Wendelin J. Wright. 2011.
5. Акрамов Ҳ.А., Нуритдинов Ҳ.Н. Бетон ва темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш технологияси. Дарслик (Акрамов Ҳ.А., Нуритдинов Ҳ.Н., Тошкент, ТАҚИ, 2010 йил 592 бет.

### 4-мавзу: Монолит қурилиш/

#### Режа:

- 4.1. Умумий маълумотлар.
- 4.2. Қуйма бетон. Хоссалари.
- 4.3. Фойдаланиш соҳалари.

*Таянч иборалар:* монолит бетон, опалубка, бетонни парвариш қилиш, бетонни қуйиш, бикрлик, жойлашувчанлик, оқувчанлик, қуруқ иссиқ иқлим шароити, сальбий ҳарорат.

#### 4.1. Умумий маълумотлар.

**Монолит қурилиш** — темир-бетондан бино ва иноотларни барпо қилиш технологияси бўлиб, у қисқа вақт ичида ҳар қандай баландликдаги ва шаклдаги бино ва иншоотларни барпо этиш имимконини берувчи технологиядир.

**Монолит қурилиш қуйидаги асосий технологик босқичлардан иборат:**

- Арматура каркасларини ўрнатиш;
- Опалубка (қолиплар)ни ўрнатиш;
- Бетонни қуйиш;
- Қуйилган бетонни иситиш (қиш вақтида);

- Бетонни парвариш қилиш;
- Қолипларни ечиб олиш.

### **Монолит бетоннинг авзалликлари:**

- Ишларнинг тез бажарилиши;
- Намунавий қурилиш элементларига боғлиқ бўлмаган ҳолда бинонинг хоҳлаган шаклини танлаш имкониятининг мавжудлиги;
- Чокларнинг йўқлиги бинонинг товуш ва иссиқлик изоляциясини яхшилайти, дарзлар кетишининг олди олинади, бинонинг вазни пасаяди, конструкция мустаҳкамлигининг ортиши унинг умрбоқийлигини ортиради;
- Юқори совуқ таъсирига чидамлилиқ.<sup>22</sup>

Юқоридагиларга қарамай монолит қурилишнинг маълум даражада камчиликлар мавжуд

- каркас –панелли қурилишга нисбатан меҳнат ва харажат жихатидан юқори;
- инженерлик тизимлари ва мўрилар аввалдан кўзда тутилган ҳолда барпо этилиши керак, чунки кейинчалик маълум ўзгартиришларни киргизиш қийинчиликлар туғдиради;
- Бетонлаш ишлари +5<sup>0</sup>Сдан юқори ҳароратда бажарилиши лозим, шунинг учун қиш кунлари бетонлаш ишлари бетон қоришмасини иситиш (бажариладиган ишларнинг сифатини пасайтириш ва энергия харажатларини ортишига олиб келади), ёки қиш вақтларида бетонлаш ишларини бажариш имконини берувчи махсус қўшимчалардан фойдаланиш зарур.
- Юқори мустаҳкамликни ва конструкциянинг монолитлигини таъминлаш учун бетонлаш ишлари узлуксиз ва бир неча йўналишда бажарилиши лозим;
- Бетон қоришмасини зичлаш ниҳоятда сифатли амалга оширилиши зарур, акс ҳолда ҳар қандай ҳаракат самрасиз бўлиши мумкин;
- Темир-бетон деворлар юқори иссиқлик ўтказувчанликка эга, шунинг учун қўшимча иссиқлик изоляция ишларини бажариш зарур бўлади;
- Монолит конструкциялар хоналардаги товуш изоляциясини етарли даражада таъминлаб бера олмайди (айниқса зарбадан юзага келадиган товушларда).



Монолит қурилишда фойдаланиладиган бетон қоришмалари кўрсаткичларининг меъёри

Жойлашувчанлик бўйича маркаси	Жойлашувчанлик		Қоришма тавсифи
	бикрлик, С	Харакатланувчанлик, см	
Ж1	1-10	-	Ўртача бикр
П1	-	1-8	камъаракатчан
П2	-	8-16	Харакатчан
П3	-	16-24	Юқори харакатчан
П4	-	24и более	Қуйма

Турли конструкцияларни бетонлаш учун бетонқоришмаси кўрсаткичларининг тахминий даражаси

Конструкция тури	Харакатланувчанлик (КЧ), см
Пойдевор ва поллар ости тўшамаси	1-2
Массив, арматураланмаган ва сийрак арматураланган	2-8
Каркасли, темир-бетон (плиталар, балкалар, колонналар)	4-12
Зич арматураланган темир-бетон	8-16
Арматураланмаган бурғулаб киргазиладиган қозиклар	8-10
Арматураланган бурғулаб киргазиладиган қозиклар	12-16
Босим усулида бетонладиган бурғулаб киргазиладиган қозиклар	16-24
Шахталар	16-20
Қўйиладиган деталли ва зич арматураланган конструкциялар	20-24

• Оғир бетон классификация қирралари 150×150×150 мм бўлган намуналарни 28 кун нормал шароитда қотгандан кейин мустақамликка синалиб аниқланади ва қуйидагича белгиланади - В3,5; В5,0; В7,5; В10; В12,5; В15; В20; В25; В30; В35; В40; В45; В50; В55; В60 (ГОСТ 10180-90). Бетон классидан сиқилишдаги

мустаҳкамликка (МПа) ўтиш учун  $B_{0,778}$  коэффициентига бўлинади. Мисол учун  $B_{10}$  классига учун ўртача мустаҳкамлик  $10/0,778 = 12,86$  Мпа га тенг бўлади.<sup>23</sup>

• Совуқ таъсирига чидамлилиқ бўйича оғир бетон маркалари қуйидагилардир: F50; F75; F100; F150; F200; F300; F400; F500 (ГОСТ 10060.0-95), сув ўтказмаслик бўйича маркалари эса W2; W4; W6; W8; W12

### Енгил бетонларнинг тавсифлари

Бетон тури	Ўртача зичлиги, кг/м <sup>3</sup>	Мустаҳкамлик бўйича классига	Совуқ таъсирига чидамлилиқ бўйича маркаси	Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти
Конструкция	1400-2000	B12,5-B40	F25-F50	0,64-0,99
Конструкция-иссиқлик изоляцияловчи	800-1400	B3,5-B12,5	F75-F150	0,23-0,64
Иссиқлик изоляцияловчи	500-800	B1-B3,5	Белгиланмаган	0,17-0,29

Монолит бетон қоришмасини қуйидаги усуллар ёрдамида зичлаш мумкин:

- (А) қўлда зичлаш;
- (Я) трамбовкалаш;
- (Б) вибрация ёрдамида зичлаш;
- (Я) ички вибратор ёрдамида зичлаш;
- (II) Опалубка га ўрнатилган ташқи вибратор ёрдамида зичлаш;
- (III) Юзали вибраторлар ёрдамида;
- (IV) Рейкалик вибратор ёрдамида;
- (V) Виброкаток;
- (VI) Титратиш ва босим остида зичлаш ва бошқалар.


<sup>23</sup> Li, Zongjin, Dr. Advanced concrete technology / Zongjin Li. WILEY. 2011.

**Table 6. 7. Characteristics and Applications of Immersion Vibrators**

Sr. No.	Characteristics of Vibrator				Application
	Length of the Vibrating Needle	Diameter of the Vibrating Needle	Recommended frequency of vibration under no Load State, Min Vibration VPM	* Recommended vibration Acceleration (operation in Air), Min g <sup>†</sup>	
(1)	(2)	(3)	(4)	(5)	(6)
(i)	up to 350	up to 35	9000	30 to 50	Plastic, workable concrete in very thin members and confined places and for fabrication of laboratory test specimens. Suitable as an auxiliary to larger vibrators in prestressed work, where many cables and ducts cause congestion in the forms.
(ii)	250 to 500	Over 35 up to 60	9000	Over 30 up to 60	Plastic, workable concrete in thin walls, columns, beams, precast piles, light bridge decks, and along construction joints.
(iii)	250 to 700	Over 60 up to 75	7000	Over 60 up to 75	Plastic, workable concrete in general construction, such as walls, columns, beams, precast piles, heavy floors, bridge deck and roof slabs. Auxiliary vibration adjacent to forms mass concrete and pavements.
(iv)	300 to 450	Over 75 up to 90	7000	Over 75 up to 90	Mass and structural concrete deposited in increments up to 2 m <sup>3</sup> in heavy construction in relatively open forms, in power houses, heavy bridge piers and foundations and for auxiliary vibration in dam construction near forms and around embedded items and reinforcing steel.
(v)	200 to 475	Over 90	6000	Over 90	Mass concrete containing 15 cm. aggregate deposited in increments up to 8 m <sup>3</sup> , in gravity dams, large piers, massive walls, etc. Two or more vibrators will be required to operate simultaneously to melt down and consolidate increments of concrete of 4 m <sup>3</sup> or greater volume deposited at one time in the forms.


\* Value of a acceleration measured in concrete should not be less than 75 per cent of the values given above.

† Acceleration due to gravity.



Бетон қоришмасини зичлаш ускуналари<sup>24</sup>

<sup>24</sup> Concrete Technology theory and practice. M.S. Shetty. S. Chand & Company Ltd. First Multicolour Illustrative Revised Edition 2005 p.267-268



Бетон мустаҳкамликка тез эришишига қуйидагилар таъсир этиши мумкин<sup>25</sup>:

- (А) Бетон шикастланишга фақат қисқа вақт юз бериши;
- (Б) Бетон элементларига жуда қисқа вақт ишлов бериш имконияти бўлса;
- (С) Қурилиш майдонинг торлиги;
- (Д) ишлар етарли даражада сифатли ташкил этилмаса;
- (Е) опалубка миқдорининг камлиги, ёки зарур ўлчамдаги опалубкаларнинг етишмаслиги;<sup>26</sup>

(Г) кейинги қуйиш ишларини бажариш учун опалубкани вақтида ечиб олинмаслиги

Бетонга юқори ҳароратда таъсир этдириш қуйидагича бажарилиши мумкин:




- (А) табиий шароитда (оддий атмосфера босимида) буғлаш;
- (Б) юқори босим остида термик ишлов бериш;
- (С) Инфрақизил нурлари билан ишлов бериш;
- (Д) Электр токи ёрдамида қотишни тезлаштириш.



<sup>25</sup> Concrete Technology theory and practice. M.S. Shetty. S. Chand & Company Ltd. First Multicolour Illustrative Revised Edition 2005 p.281-283

<sup>26</sup> The Science and Engineering of Materials, Sixth Edition. Authors Donald R. Askeland, Pradeep P. Fulay, Wendelin J. Wright. 2011.





Монолит қурилиш жараёнида қуйма бетон қоришмасидан фойдаланиш қуйидаги асосий масалаларни ҳал қилишга қаратилган:

- Мустаҳкамликнинг қандайлигидан қатъий назар қаттиқ фаза билан тўйинган цемент елимини тайёрлаш ва иложи борича цемент зарралари гидратациясини тўлиқ кетишини таъминлаш;



- Бетон танасида майда дарзлар ҳосил бўлишини камайтириш;

- Бетоннинг лойиҳавий мустаҳкамлигини таъминлаш ва эксплуатация хоссаларини таъминлаш учун зарур миқдордаги цемент елими ҳажмини ҳосил қилишни таъминлаб, цемент сарфини пасайтириш билан бирга сув сарфини ҳам пасайтиришдан иборат.<sup>27</sup>

- Ҳосил қилинган цемент елими тўлдириувчилар зарраларининг юзасини қоплашга етишини таъминлаш зарур.



- Қуйма бетондан бетонлаш ёрдамида юпқа, зич арматуралан-ган бетон иншоатларини барпо этиш бошқа технологияларга нисбатан узлуксизликни таъминлаш, бетон қоришмасини ётқизиш-нинг юқори интенсивлиги билан ажралиб туради.

<sup>27</sup> Li, Zongjin, Dr. Advanced concrete technology / Zongjin Li. WILEY.



Қуйма бетондан тайёрланадиган деворлар





Монолит ораёпмалар турлари




Fig. 7.4: Direct-acting concrete pump  
(Based on *ACI Manual of Concrete Practice*.)


### Бетон насос ишлаш принципи<sup>28</sup>



Self Compacting Concrete (SCC)

<sup>28</sup> Concrete Technology theory and practice. M.S. Shetty. S. Chand & Company Ltd. First Multicolour Illustrative Revised Edition 2005 p.251





Concrete flowing through L-Box  
Courtesy : Hindustan Construction Company



Concrete passing through U-Box  
Courtesy : Hindustan Construction Company

**Table 12.16. Shows Typical SCC Mixes in Japan 12.17**

Ingredient	Powder Type	VMA Type	Combined Type
Water kg/m <sup>3</sup>	175	165	175
Cement kg/m <sup>3</sup>	530	220	298
Fly ash kg/m <sup>3</sup>	70	0	206
GGBFS kg/m <sup>3</sup>	0	220	0
Silica Fume kg/m <sup>3</sup>	0	0	0
FA. kg/m <sup>3</sup>	751	870	702
C.A. kg/m <sup>3</sup>	789	825	871
High, Range Water reducing admixtures kg/m <sup>3</sup>	9.0	4.4	10.6
VMA kg/m <sup>3</sup>	0	4.1	0.0875
Sump flow test dia. of spread mm	625	600	660



Икки томони текис ораёпмалар

Икки томони вафлисимон ораёпмалар






Fig. 7.10: Underwater concreting  
(Based on CONCRETE SOCIETY, Underwater concreting,  
Technical Report, No. 3, p. 13 (London, 1971).)

### Назорат саволлари:

1. Бетоннинг дастлабки мустаҳкамлигига эришишига энергия таъсирини қандай изохлаш мумкин?
2. Бетон ва темирбетондан маҳсулот ишлаб чиқаришдаги энергия сарфи миқдори нималарга боғлиқ?
3. Бетон ва темирбетондан маҳсулот ишлаб чиқаришда энергияни қандай усуллар ёрдамида иқтисод қилиш мумкин?

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Neville. Adam M. Concrete technology / A.M. Neville. J.J. Brook\*. 2nd ed. p. cm. Second edition 2010.
2. Concrete Technology theory and practice. M.S. Shetty. S. Chand & Company Ltd. First Multicolour Illustrative Revised Edition 2005.
3. Li, Zongjin, Dr. Advanced concrete technology / Zongjin Li. WILEY. 2011.
4. The Science and Engineering of Materials, Sixth Edition. Authors Donald R. Askeland, Pradeep P. Fulay, Wendelin J. Wright. 2011.
5. Акрамов Ҳ.А., Нуритдинов Ҳ.Н. Бетон ва темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш технологияси. Дарслик (Акрамов Ҳ.А., Нуритдинов Ҳ.Н., Тошкент, ТАҚИ, 2010 йил 592 бет.

### 5-мавзу: Бетон ва темирбетон буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар.

#### Режа:


- 5.1. Узун стендларда темир-бетон конструкцияларини узлуксиз қолиплаб тайёрлаш.
- 5.2. Композит арматуралар.
- 5.3. Базальт ва полипропилен толалари.
- 5.4. Бетон хоссаларини бузмасдан аниқлашнинг инновацион усуллари.

**Таянч иборалар:** *стенд, узлуксиз қолиплаш, иссиқлик ишлови бериш, йўлак, бетон бикрлиги, конус чўкиши, ишиша тола, базальт тола, арматура, композит арматура, бетон мустаҳкамлигини бузмасдан аниқлаш.*



### 5.1. Узун стендарда темир-бетон конструкцияларини узлуксиз қолиплаб тайёрлаш.<sup>29</sup>

Кўп ковакли ораёпма ва деворбоп панелларни узлуксиз қолиплаш цехининг технологик пролётни камида 18x120 м ва кран юрадиган рельсининг баландлиги 7 метрдан кам бўлмаслиги керак



Ушбу цехда қолипланадиган буюмларнинг баландлиги 500 ммгача, кенглиги (фойдаланиладиган қолипловчи машинанинг турига қараб) 1200 мм ёки 1500 мм бўлиши мумкин.<sup>30</sup>

Қолипловчи машинанинг силжиш тезлиги минутага 0,65 дан то 3,0 метргача бўлиши мумкин.

Бетон қориш узелининг унумдорлиги соатига 12 – 20 м<sup>3</sup> бикр бетон қоришмасини тайёрлаши мумкин.

Қолипловчи машинанинг юкловчи бункерининг ҳажми (қабул қилинган технологик регламентга қараб) – 1000, 2000 ва 3000 литр бўлиши мумкин.

<sup>29</sup> <https://www.allbeton.ru/article/102.html>

<sup>30</sup> <https://www.allbeton.ru/article/102.html>



**Ригеллар**



**Ораёпма плиталар**



**Қозиқлар**



**Пардеворлар**




**Электр ўтказгич таянчлари**



**Панеллар**



**Тўсинлар**



**Коммуникация коробкалари**



**Тепадонлар**

**Цехнинг йиллик махсулдорлиги (тахминан):**

- Узунлиги 9 метргача бўлган плиталар - 200000 м<sup>2</sup> (43 000 м<sup>3</sup>);
- Балкалар - 1600000 п. м.
- Асосий технологик ускуналарнинг керакли қуввати:
- Йўлкаларни тозалаш ва мойлаш машинаси - 18 кВт;
- Симларни тақсимлаш машинаси - 25 кВт;
- Қолиповчи машина - 30 кВт;
- Вертикал кесиш машинаси - 45 кВт;
- БП 1000 базасидаги бетон қориш ускунаси - 63 кВт.

**Узлуксиз қолиплаш учун 1 м<sup>3</sup> бетон қоришмасининг таркиби.**

№	Номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1	Цемент М400Д0 (М500)	кг	370–450
2	Кварц қуми (1500 кг/м <sup>3</sup> , Мкр = 2,0–2,5 мм)	кг/м <sup>3</sup>	1000/0,66
3	Чақик тош (М-1200, фр. 3 — 10 (15) мм, 1800 кг/м <sup>3</sup> )	кг/м <sup>3</sup>	1000/0,55
4	Сув	л	120–160

5	«Лигнопан Б-2Т» пластикловчи қўшимчаси	Цемент массасига нисбатан, %	0,6–0,65
6	Харакатланувчанлиги (КЧ)	см	1–2
7	Бикрлик	сек	60–100
8	С/Ц		0,25–0,35

**Материалларга қўйиладиган талаблар.**

№	Номи	ГОСТ, ТУ	Техник талаблар
1	Цемент	ГОСТ 10178-85	Портландцемент М400Д0, М500. Қотиш вақти: бошланиши —45 минутдан аввал эмас; охири —10 соатдан кеч эмас
2	Қум	ГОСТ 8736-93	Мкр = 2,0–2,5. Йирик тош миқдори - 10 ммгача (5%). Чанг ва гилтупроқ миқдори 3% гача
3	Чақиқ тош	ГОСТ 8267-93	Фракция — 3–10 мм. Мустаҳкамлиги >1200 кг/см <sup>2</sup> . Чанг ва гилтупроқ миқдори - 1% гача
4	Арматуралаш учун сим	ГОСТ 7348-81	Юқори мустаҳкамликка эга Вр – II арматура сими, Ø5мм. Арматура симининг юзасида ковак, дарзлар, занг ва қатламланиш бўлиши мумкин эмас.
5	«Лигнопан Б-2Т» қўшимчаси	ГОСТ 24211-91	

№	Лойиха бўйича буюм маркаси	L, мм	b, мм	h, мм	S, м <sup>2</sup>	V, м <sup>3</sup>	M, кг	Бетон класси	Бетон сарфи, м <sup>3</sup> м
1	ППС 90-12...	8980	1195	220	10,73	2,36	3190	В30, В40	1,33
2	ППС 84-12...	8380	1195	220	10,01	2,20	2980	В30, В40	1,24
3	ППС 78-12...	7780	1195	220	9,30	2,04	2765	В30, В40	1,15
4	ППС 72-12...	7180	1195	220	8,58	1,89	2550	В30, В40	1,06
5	ППС 66-12...	6580	1195	220	7,86	1,73	2340	В30, В40	0,975

6	ППС 60-12...	5980	1195	220	7,15	1,57	2125	B30, B40	0,885
7	ППС 54-12...	5380	1195	220	6,43	1,41	1910	B30, B40	0,796
8	ППС 48-12...	4780	1195	220	5,71	1,26	1700	B30, B40	0,708
9	ППС 42-12...	4180	1195	220	5,0	1,10	1485	B30, B40	0,619
10	ППС 36-12...	3580	1195	220	4,28	0,941	1270	B30, B40	0,529
11	ППС 30-12...	2980	1195	220	3,56	0,783	1060	B30, B40	0,442
12	ППС 24-12...	2380	1195	220	2,84	0,626	843	B30, B40	0,352

**Узлуксиз қолиплаш усули билан темир-бетон конструкцияларини тайёрлаш учун сарф бўладиган вақт.**

№	Операция номи	Вақт
1	Йўлакни тозалаш ва мойлаш	30 мин
2	Симни тақсимлаш ва таранглаштириш	60 мин
3	Қолиплаш (тезлик — 0,65–3 м/мин)	60 мин
4	Химоя қобиғи билан қолаш	10 мин
5	Хар бир қолиплаш йўлакчасидан кейин машинани мойлаш	20 мин
6	Иссиқлик ишловини бериш	4 + 10 + 2 = 16 с
7	Таранглаштириш зўриқишини бетонга бериш	10 мин
8	Плиталарни кесиш ва тайёр буюмларни олиш	60–90 мин
	Жами	20 соат атрофида

**Компоновка ЛБФ-1500**

Плиталарни қуйиш йўлакларини тозалаш ва мойлаш махсус машина ёрдамида амалга оширилади ва унинг ўртача тезлиги минутига 6 метрни ташкил этади. Плиталарни қуйиш йўлакларини тозалаш учун уммумий 15 минут вақт сарф бўлади. Йўлакларни мойлаш тозалаш ишлари тугатилгандан сўнг зудлик билан амалга оширилади ва бу иккала операция учун уммумий 30 минут сарф бўлади.<sup>31</sup>

Ишчи арматура симларини таранглаштириш ва бўшатиш 10 минутдан ортиқ бўлмайди ва гидравлик домкратлар тизими ёрдамида бажарилади. Ишчи арматура симларини машинага жойлаш, анкерларни ўрнатиш, машинанинг тезлиги, симларнинг учларини кесиш ва тарангаштириш учун уммумий 60 минут талаб

Плиталарни бетонлаш машинасининг тезлиги минутига 2 метрни ташкил этади ва хар бир йўлакдаги плитани бетонлаш учун сарф бўладиган вақт 60 минутни ташкил этади.

<sup>31</sup> Li, Zongjin, Dr. Advanced concrete technology / Zongjin Li. WILEY.

Плиталарга иссиқлик ишловини бериш иситиладиган пол ёрдамида плиталарнинг тагидан, яъни плиталар қуйилган йўлакда ўрнатилган ускуналар ёрдамида амалга оширилади. Бунинг учун плиталар махсус ёпинчиқ билан ёпилади. Плиталарга иссиқлик ишлови беришнинг умумий цикли 16 соат, яъни 6-8 соат ҳароратни 55-60<sup>0</sup>С гача кўтариш, 8-10 соат изотермик иситишни ташкил этади.

Тайёр плиталарни зарур ўлчамларда кесиш учун аррали кесиш машинасидан фойдаланилади.

Тайёр плиталарни олмос заррали дискли арра ёрдамида 2 минут кесилади. Агар плитанинг ҳисобий узунлигини 6 метр деб қабул қилинса, йўлакдаги тайёр 120 метрли плитани 14 жойидан кесиш учун тахминан 30 минут зарур бўлади. Машинани ўрнатиш билан плиталарни кесиш учун умумий сарф бўладиган вақт 70 минутни ташкил этади. Тайёр плиталар омборга ёки истемолчига жўнатилади.

Ҳар бир йўлакдаги плита бетонлаб бўлингандан сўнг бетонлаш машинаси стендга ўрнатиб, қолиплаш машинаси ва пуансон-матрицани ювиш бажарилиши шарт бўлган операциядир. Машина ва пуансон-матрица сув билан босим остида ювилади.

Қолипловчи машинани ювиш.

## **5.2. Бетон конструкцияларни арматуралашдаги янги ечим. Композит арматура.**

Сўнги вақтларда бетондан тайёрланган турли конструкцияларни арматуралашда композит арматурадан фойдаланиш кенг тарқалмоқда. Бу материал – композит арматура кимё ва материалшуносликнинг охириги ютуқларидан фойдаланиб тайёрланмоқда, чунки у ноёб хоссаларга эга. Композит арматура намлик таъсирида чиримайди ва зангламайди. Бир хил мустаҳкамликка эга пўлат симли арматура билан солиштирилганида унинг массаси 9 маротаба паст. Композит арматура иссиқлик ва совуқ таъсирига чидамли ва ўз хоссаларини -70<sup>0</sup>С дан то 100<sup>0</sup>С ҳарорат оралиғида ўз хоссаларини яхши сақлай олади.<sup>32</sup>

Шиша толали композит арматураларни ишлаб чиқариш


Композит арматурани ишлаб чиқариш учун эпоксид қатрони ва шиша толалар тутамини ташкил этувчи шишаровингдан фойдаланилади. Композит арматурани ишлаб чиқариш бир неча босқичдан иборат. Дастлаб шиша толаларга эпоксид компаунди шимдирилади. Кейин қатрон шимдирилган шишаровинглар тутамлари маълум ҳароратгача қиздирилган фильера деб номланувчи воронка орқали ўтказилиб полимеризация қилинади. Полимеризациянинг бундай жараёни илмий тилда пултрузия (инглизча “pull” – тортмоқ ва “through” – орқали, орасидан) деб аталади.

Пултрузия босқичида керакли диаметрдаги юзаси силлиқ хивич ҳосил бўлади. Бетон билан яхши тишлашиши учун арматуранинг юзаси қовурғали юзага эга бўлиши керак. Шунинг учун бундай юзани ҳосил қилиш учун сўнги босқичда

<sup>32</sup> The Science and Engineering of Materials, Sixth Edition. Authors Donald R. Askeland, Pradeep P. Fulay, Wendelin J. Wright. 2011.



заготовкани тарам-тарам излари бор валецлар орқали прокатка қилиш орқали амалга оширилади. Арматуралар юзасида даврий профил хосил қилиш усулида эса заготовка устига эпоксид қатрони шимдирилган диаметри кичик шишаровингни спирал қилиб ўраб чиқиб амалга оширилади ва юқорида келтирилган тарзда полимеризация амалга оширилади.



Шиша тола ишлаб чиқариш

• Композит арматурани ишлаб чиқаришнинг технологик тизими кетма-кет жойлаштирилган шиша ёки базальт толаларидан ровинглар ўралган ғалтақлар ўрнатилагн шпулярник, текисловчи қурилма, юмшатиш камераси, тортувчи қурилмали шимдириш ваннаси, сиқиш қурилмаси, формовка қурилмаси, спирални ўраш қурилмаси, полимеризация камераси, сув билан совитиш узели, тортувчи қурилма, арматурани кесиш ва ўраш узелидан иборат. Ушбу технологик тизимда даврий профилли композит арматурани ишлаб чиқарилади.



**TECHPRO 2000**

**TECHPRO 2000**



**TECHPRO 2000**



Композит арматуралар қуйидагича маркаланади:



АСК – шиша толалари асосидаги шиша-композит (шиша пластик) арматура;  
 АБК - базальт толалари асосидаги базальт-композит (базальт пластик) арматура;  
 АУК – углерод толалари асосидаги композит арматура;  
 ААК – арамид толалари асосидаги арамидкомпозит арматура;  
 АКК – юқорида келтирилган толалар асосида комбинацияланган композит арматура.<sup>33</sup>

**Композит арматурадан фойдаланиш сохалари:**

Арматурадан турли бино ва иншоотларнинг лойиха хужжатларида келтирилаган талабларга асосан фойдаланилади.


- Арматура саноат-фуқаро, йўл қурилишида фойдаланиш учун мўлжалланган.
- Турли бино ва иншоотларнинг бетон конструкцияларида фойдаланиш учун мўлжалланган.
- Оғир ва енгил бетонларда (кўпик бетонлар, ораёпма плиталар, монолит пойдеворлар) фойдаланиш.
- Биноларнинг ғишт деворларини теришда.
- Биноларнинг ташқи иссиқлик изоляциясини махкамлаш учун дюбеллар сифатида.
- Конструкцияларда тўр ва стерженлар сифатида.
- Қирғоқларни махкамлаш ишларида.
- Канализация, мелиорация ишларида.
- Йўл қопламаси ва тўсувчиларда.
- Кимёвий ишлаб чиқариш элементлари инфраструктурасида.
- Олдиндан зўриқтирилиб ва зўриқтирилмай арматураланган бетон буюм ва конструкцияларда (ёритгичлар таянчлари, электр ўтказгичлари таянчлари, электр ўтказгичлари изоляцияловчи траверсалари, йўл ва тротуар плиталари, девор плиталари, темир йўл шпалллари, коммунал тизимлар ва бошқ.).
- Ечиб олинмайдиган опалубкадан фойдаланиб уйларни қуришда ва бошқ.

Физик-механик хоссаларига кўра арматурани алмаштириш	6А-III	4 АСП
	8А-III	6 АСП
	10А-III	7 АСП
	12А-III	8 АСП
	14А-III	10 АСП
	16А-III	12 АСП
	18А-III	14 АСП
	20А-III	16 АСП

<sup>33</sup> The Science and Engineering of Materials, Sixth Edition. Authors Donald R. Askeland, Pradeep P. Fulay, Wendelin J. Wright. 2011.

Вазни, кг (бир хил мустахамликка алмаштирилганида)	6А-III - 0,222	4 АСП - 0,02
	8А-III - 0,395	6 АСП - 0,05
	10А-III - 0,617	7 АСП - 0,07
	12А-III - 0,888	8 АСП - 0,08
	14А-III - 1,21	10 АСП - 0,12
	16А-III - 1,58	12 АСП - 0,20
	18А-III - 2,0	14 АСП - 0,26
	20А-III - 2,47	16 АСП - 0,35





**Композит армурадан фойдаланишнинг афзалликлари:**

- Узилишга бўлган мустахкамлиги АШ классли пўлат армураникига нисбатан 3 маротаба юкори. Металл армуранинг мустахкамлиги кўрсаткичи - 390 МПа, композит армураники эса 1000 МПа дан кам эмас.<sup>34</sup>
- Композит армура зангламайди ва коррозияга учрамайди.
- Кислота таъсирига чидамли. Денгиз суви таъсирига чидамли.
- Электр токини ўтказмайди. Диэлектрлик.
- Композит армура амалда иссиқлик ўтказмайди.
- Радио тўлкинларига қаршилиқ кўрсатмайди.
- Жуда паст хароратда ўзининг мустахкамлик хоссларини йўқотмайди.
- Бир хил мустахкамликка эга металл армурага нисбатан массаси 9 баробар кичик ва бошқ.

**АШ классли пўлат армура билан композит армура хоссларини таққослаш жадвали**

Таснифи	АШ (А400С) классли металл армура	Композит армура
Материал	Пўлат	Эпоксид қатрони билан бириктирилган шишаровинг
Ўзилишдаги мустахкамлик чегараси, МПа	390	1300
Эластиклик модули, МПа	200 000	55 000
Нисбий узайиш, %	25	2,2

<sup>34</sup><http://www.compositesworld.com/articles/a-hidden-revolution-frp-rebar-gains-strength>

Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, Вт/(мК)	46	0,35
Чизиқли кенгайиш коэффициенти, $\alpha, 10^{-6}/^{\circ}\text{C}$	13-15	9-12
Зичлиги, т/м <sup>3</sup>	7,8	1,9
Агрессиф мухит таъсирига чидамлилиги	Коррозияга учрайди	Зангламайдиган материал
Иссиқлик ўтказувчанлик	Иссиқлик ўткази	Иссиқлик ўтказмайди
Электр токини ўтказувчанлиги	Электр токини ўткази	Диэлектрик
Ишлаб чиқариладиган профиллар, мм	6-80	4-20
Узунлиги	6-12м узунликдаги стерженлар	Харидорнинг талабига кўра
Умрбоқийлиги	Қурилиш меёрлари асосида	Умрбоқийлик 80 йилдан кам эмас



### **Базальт тола**

Базальт тола тоғ жинслари эритмасидан тайёрланади ва кўпикбетон, полистиролбетон, стандарт тайёрланган бетонлар учун самарали ва мустаҳкамловчи қўшимча сифатида фойдаланилади.

**Материал:** Ушбу фибра толаларни тайёрлашда энг замонавий технологиялар ва материаллардан фойдаланилади.<sup>35</sup>

Хомашё сифатида вулқондан отилиб чиққан жинслар - габбродиабаз, диабаз, амфиболит, базальт, порфирит, долерит ва бошқалардан фойдаланилади.

Ушбу тоғ жинслари шунингдек радиологик назоратдан ўтказилади ва барча техник шартларга жавоб берадилар.



**Техник хоссалари**

<b>Кесма узунлиги, мм</b>	<b>(6,12, 18, 24, 70) ±1,5</b>
Элементар тола диаметри, мкм	(12) ±1,5
Намлик, % дан кўп эмас	0,3
Эластиклик модули, ГПа	Минимум 75
Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, Вт/мК	0,031 - 0,038
Кимёвий чидамлик, масса йўқотилиш, %, 3 соат қайнатилганда	
H <sub>2</sub> O	2
2N NaOH	3,0
2N HCl	2,2

Базальт фибра толалари юқори кимёвий чидамликка эга ва материалларнинг зарбга бўлган қаршилиги, совуқ таъсирига чидамлик, едирилишга бўлган қаршилигини, сув ўтказмасликни ортиради ва дарзлар ҳосил бўлишини пасайтиради.<sup>36</sup>

Ушбу материал табиий тошдан тайёрганлиги сабабли ундан гидротехник иншоатларда, йўл харакати интенсив бўлган автомобиль йўлларида, кўприкларда, атом электр станцияларида, қуйма полларда ва бошқ. кенг фойдаланилади.

***Полипропилен толаларнинг техник хоссалари***

<b>Тола диаметри</b>	<b>19 мкм</b>
Тола узунлиги	2мм, 4мм, 6мм, 12мм, 18 мм
Кимёвий чидамлик	Толалар турли ишқор, эритувчилар ва кислоталар таъсирига тўла чидамли
Узилишдаги мустаҳкамлик	350 Н/мм <sup>2</sup>

<sup>36</sup> <http://basalt.today/2016/08/6322/>



Юмшаш ҳарорати	t= 145°C
Материал	100% полипропилен
Ранги	Толалар шаффоф оқ рангда
1м <sup>3</sup> бетон учун сарфи	600-900 грамм
Солиштирма оғирлиги	0,91 т/м <sup>3</sup>
Толлар сони	1м <sup>3</sup> бетонга тахминан 375 млн. дона тўғри келади

### Назорат саволлари:

